УзССР Давлат китоб палатасы
Ин...
Давлат УзССР
90295

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 7 февраль, сешанба №17 (21.780.) Сотувда эркин нархда.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

6 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерациясининг Волгоград вилояти маъмурияти раҳбари Иван Шабунин бошчилигидаги вилоят делегацияси аъзоларини қабул қилди.

Ислом Каримов йирик саноат марказига айланган ушбу вилоят билан ҳамкорлик Ўзбекистон учун фойдали бўлишини айтди. Волгоград корхоналари билан савдо-сотиқни ривожлантириш, ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш халқларимиз манфаатларига хизмат қилишини таъкидлади.

Иван Шабунин самимий қабул учун миннатдорлик изҳор этар экан, волгоградлик тадбиркорлар Ўзбекистон билан кенг ҳамкорлик қилишга интилмоқда, деди. У вилоят саноатида ўзбек пахтасига эҳтиёж катта эканини қайд этиб, волгоградликлар Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги учун зарур техника воситалари, нефть ва газ саноати учун асбоб-ускуналар етказиб беришга тайёрлигини билдирди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосарлари Қ. Ҳаққулов ва Ю. Пайгин иштирок этди.

(ЎзА).

Суратда: қабул пайти.

Р. Нуритдинов (ЎзА) олган сурат.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муқаддас Рамазон ойи муносабати билан Иордания ҳошимийлар подшолиги халқи ва ҳукумати мен билан биргаликда Сизга, жаноби олийлари, энг самимий, эзгу тилакларини йўллайдилар.

Илоҳо ушбу муқаддас ой мамлакатингизга ва бутун мусулмон миллатига бахт-саодат, тинчлик-осойишталик ҳамда фаровонлик келтирсин.

Ҳусайн ибн ТАЛОЛ,
Иордания подшоси.

***

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мусулмонлар катта мамнуният билан муқаддас Рамазон ойига тайёргарлик кўраётган бир пайтда биз Сизга самимий қутловларимизни йўллаймиз. Сизга сиҳат-саломатлик ва узоқ умр, шунингдек, мамлакатингиз халқига тинчлик ва фаровонлик тилаймиз. Қодир Аллоҳ ислом умматига раҳм-шафқат ва марҳамат нурини ёғдираверсин.

Қобус бин САИД,
Уммон султони.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг XIV пленуми олдидан

КЕНГАШДА КЎПЧИЛИКМИЗ

Ўзбекистон ХДПнинг Боғдод тумани кенгашининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётда тутган ўрни тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Буни бўлиб ўтган сайловлар натижаларидан ҳам кўриш мумкин. Бугунги кунда халқ депутатлари туман кенгашининг деярли учдан икки қисми биз кўрсатган номзодлардан ташкил топган. Вилоят кенгашига депутат сайланадиган уч округдан иккитасида, Олий Мажлисга депутат сайланадиган икки округнинг биттасида бизнинг номзодларимиз ғолиб чиқишди.

Албатта, сайловда эришилган ютуқлар туман ХДП бошланғич ташкилотларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишлари, барча аъзоларнинг жамиятимизнинг турли соҳаларида бўлаётган чуқур иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларда фаол қатнашишлари таъминланаётганлиги туфайлидир.

Ҳозирги кунда туман партия ташкилоти 61 та бошланғич партия ташкилотларига бириккан 2103 нафар ХДП аъзоларидан ташкил топган. Партиямизнинг Дастурий масалалари ва Низомий қоидаларини омманинг турли қатламлари орасида тарғиб қилиш ва тушунтириш ишлари натижасида сафларимиз ўсиб, сифат яхшиланиб бормоқда. 1993 йилда туман партия ташкилотида 107 нафар киши Ўзбекистон ХДП аъзолигига қабул қилинган эди. Ўтган 1994 йилда эса 156 нафар янги партия аъзолари сафимизга кирди. Улардан 88 нафари 30 ёшгача бўлган ёшлардир. Сафимизга ишчи ва деҳқонлар билан бир қаторда зиёлилар ҳам кўплаб кирмоқда. Ҳозирги пайтда тумандаги ХДП аъзоларининг 700 дан ортиғи зиёлилардир.

Боғдод дон маҳсулотлари комбинати, пойабзал, тажриба-мебель фабрикалари, «Мирзаобод», Ҳазиний, Охунбобоев номли жамоа хўжаликлари ва бошқа бир қатор корхоналарнинг бошланғич партия ташкилотлари ўз жамоаларида партия сафларини кенгайтириш, партиявий интизомни мустаҳкамлаш борасида ибратли ишларни амалга оширмоқдалар.

Бошланғич партия ташкилотлари ўз ораларидан фаол, ишчан, истеъдодли ходимларни раҳбарлик лавозимларига тавсия этмоқдалар. Масалан, туман молия бўлими бошланғич партия ташкилоти котиби М. Фозилов, сув хўжалиги бўлими бошланғич партия ташкилоти котиби Э. Йўлбарсовлар ўз бўлимларига бош бўлиб сайландилар. Қимё маҳсулотлари бирлашмаси бошланғич партия ташкилотининг котиби Н. Сиддиқов шу бирлашманинг бошлиғи этиб тайинланди.

Туман партия кенгаши ижроия бюроси партиямиз Дастурининг ижтимоий соҳада белгиланган вазифаларини бажаришга эътиборни қаратмоқда. Бошланғич партия ташкилотлари кам таъминланган оилалар, ногиронлар, ёлғиз кишиларни аниқлаб, улар ҳолидан хабар олиш, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш тадбирларида фаол иштирок этмоқдалар. Тумандаги 92 нафар биринчи гуруҳ ногиронларига 92 та партия ташкилоти котиблари ва партия аъзоларидан иборат доимий ҳомийлар биркитиб қўйилган. Туман марказидаги 9-болалар боғчасига, жамоа хўжаликларидаги боғча ва яслиларга қўлимиздан келганча ёрдам бериб турибмиз.

Туман маънавий ҳаётини яхшилаш, ўсиб келаётган истеъдодларни парваришлаш, адабиёт ва санъат вакиллари билан доимий алоқалар боғлаш умумий ишимизнинг бир бўлагидир. Тумандаги «Боғдод ҳаёти» газетаси билан ҳамкорликда улуғ ўзбек шоираси Нодирабегимнинг 200 йиллик таваллудига бағишланган кўрик танлов ўтказдик. Танловда кўплаб ёш қаламкашлар ўзларининг шеър ва ҳикоялари билан қатнашдилар. К. Ашурова, Ш. Меликулова, И. Иброҳимов, Г. Содиқовалар танловда ғолиб деб топилдилар ва уларга ЎзХДП туман кенгашининг қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Туман партия кенгаши туман ҳокимияти ҳамда хотин-қизлар қўмитаси билан ўзаро ҳамкорликда «Энг яхши оила» кўрик танловини эълон қилди ва ўтказди.

Боғдод тумани ЎзХДП аъзолари партиямизнинг дастурий мақсадларини, республикамиз Президенти фармонлари ва қарорларини кенг меҳнаткашлар оммасига тушунтириш ҳамда уларнинг қандай бажарилаётганлигини назорат қилиш мақсадида туманда доимий суратда мулоқот кунлари ўтказиб боради. Мулоқотлар ўтган маҳаллалар, мактаблар ва бошқа жамоаларнинг йиғилишларида ўша ҳудудларга тегишли муаммолар хусусида фикр билдирилади. Биз бу фикрлар, таклиф ва талабларни умумлаштириб, туман ҳокимлиги, тегишли ташкилот ва муассасалар ихтиёрига ҳавола этамиз. Айрим муаммоларни эса туман кенгашидаги ўз депутатларимиз орқали ҳал қилиш чора-тадбирларини излаймиз. Зеро, кенгашда биз энди кўпчиликмиз.

Замира ЮСУПОВА,
Ўзбекистон ХДП Боғдод туман кенгаши биринчи котиби.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Ш. ШОХАЛИЛОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Шомансур Шохалилов Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 6 февраль.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Ш. ШОХАЛИЛОВГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ДИПЛОМАТЛИК МАРТАБАСИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Шомансур Шохалиловга Ўзбекистон Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси дипломатлик мартабаси берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 6 февраль.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

А. Т. ЖАЛИЛОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТУРКМАНИСТОНДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Абдулаҳат Туропович Жалилов Ўзбекистон Республикасининг Туркманистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 6 февраль.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мусулмон халқлари муқаддас Рамазон ойи кириб келганлигини нишонлаётган дамларда Сиз жаноби олийларига шахсан ўз номимдан ҳамда Тунис ҳукумати ва халқи номидан самимий табрикларимни йўллашдан бахтиёрман. Оллоҳ таоллодан Сизни ва дўст халқингизни шундай муборак кунларда бахт ва баракотга етказишини ҳамда барчамизга муваффақият, жумладан халқларимизга фаровонлик, яхшилик ато этишини сўрайман.

Зайн Ал-Обидин ибн АЛИ,
Тунис Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари,

Янги йил муносабати билан сиз йўллаган мактуб ва эзгу истаклардан гоят миннатдор бўлдик.

Шу унутилмас кунларда сизга самимий миннатдорлигимизни изҳор этиш ва шахсан ўзингиз, шунингдек, Ўзбекистон халқига бахт-саодат ва равнақ тилаш бизга алоҳида мамнуният бағишлайди.

Камоли эҳтиром ила

ҲАСАН II,
Марокаш подшоси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Рамазон ойи билан табриклаб йўллаган мактубингизни олиб мамнун бўлдим. Менинг ҳам табригимни қабул қилгайсиз.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг янада ривожланишига аминман.

Кези келганидан фойдаланиб, Сизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

Оллоҳдан Ўзбекистон халқига бахт-саодат ва фаровонлик ато этишни илтижо қиламан.

Камоли эҳтиром ила

Профессор Бурҳониддин РАББОНИЙ,
Афғонистон Ислом Давлати Президенти.

ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР ЎРНАТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси ва Югославия Иттифоқ Республикаси Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида эришилган аҳдномага мувофиқ 1995 йил 18 январдан бошлаб иккала мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги матбуот шўъбаси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Г. А. ПУГАЧЕНКОВАНИ «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик фидокорона меҳнати, илм—фанни ривожлантиришдаги хизматлари ҳамда халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш ишига қўшган улкан ҳиссаси учун Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археология институтининг етакчи илмий ходими, академик Галина Анатольевна Пугаченкова «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 6 февраль.

МИЛЛИЙ ПУЛ ВА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ

Умуман, ўтган йиллар миллий иқтисодиётимизни қуриш борасида кескин бурилишлар юз берган, бозор иқтисодиёти асослари жамиятимизда теран шакллана бошлаган давр бўлди, десам муболаға эмас. Ислоҳотларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда жиддий силжишлар кўзга ташланди. Иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг дастлабки босқичи асосан якунланди. Мени банк соҳасининг вакили сифатида, айниқса, сўмимизнинг муваффақиятли ҳаракати ва соғлом молиявий тизимининг шаклланиши қувонтиради. Зеро, изчил миллий пул сиёсати саноатнинг айрим жабҳаларидаги қолоқликни тугатиб, илғор, самарали соҳаларни ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Юртбошимиз таъкидлаганларидек: «Энг муҳими валютамизнинг барқарорлиги ва мустаҳкамлигини, унинг юқори харид қобилиятини таъминлаш. Бизнинг валюта ўзини мустаҳкам тутган бошқа валюталар, авваламбор, кучли валюталар орасида обрўли ва қадри баланд валюта бўлмоғи даркор». Шундай экан, эндиги муҳим вазифамиз — пулнинг қадрсизланишини тўхтатиш ва иқтисодий барқарорликка эришишдир. Бунда биз, аввало, ёқилғи-энергетикаси мажмуининг база тармоқларини янада ривожлантириш билан мустаҳкамланган ички заҳираларимизга таянамиз.

Ўтган йилнинг бошида Газли — Нукус газ тармоғининг биринчи навбатдаги қисми ишга тушиши республикамизнинг энг чеккА ҳудудларини қимматбаҳо энергетика хомашёси билан таъминлаш имконини берди. Энди бу ҳудудларнинг иқтисодиёти Туркманистондан келтириладиган табиий газга тобликдан қутулди. Янги газ тармоғи ишга тушиши билан Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисига ҳамда саноат иншоотларига Бухоро вилоятидаги қондан газ етказиб берила бошланди. Натижада, республикамиз хазинасидан ортиқча сарфланаётган 200 миллион АҚШ долларига яқин маблағ тежаб қолинди.

Жаҳоннинг бир қанча илғор мамлакатлари тараққиёт йўлини, тажрибаларини таҳлил этиш жараёнида шунга иқрор бўлдикки, миллий иқтисодиётлар шаклланишининг илк босқичида ҳукуматлар ва уларнинг банк тизимлари мамлакатнинг ёқилғи энергетикаси мажмуи базавий тармоқларини тиклашга муҳим аҳамият берар, даставвал ушбу тармоқни молиявий қўллаб-қувватлар экан. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки газ, нефть, электр энергияси ҳар қандай давлат саноатини, ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришнинг пойдеворидир. Республикамиз иқтисодий тараққиётининг дастлабки босқичларида ана шу масалаларга алоҳида аҳамият берилаётгани ва бу борада қилинаётган кенг қўламли ишлар келгусида улкан самаралар бериши тайин.

Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаш жоиз. Бугунги кунда собиқ Иттифоқ ўрнида барпо бўлган барча мустақил давлатларда пулнинг қадрсизланиш жараёни кечаётганини кузатиш мумкин. Бунинг сабаблари нимада? Гап шундаки, бу — мазкур ҳудудларда мавжуд бўлган ҳамда ҳозиргача сақланиб қолган ишлаб чиқариш монополизми ва техник жиҳатдан қолоқликнинг асоратидир. Ана шу тўсиқларни бартараф этмай туриб, пулнинг қадрсизланиш суръатини тўхтатиш ва кўзланган мақсадга эришиш мушкул. Агар ўтган даврда иқтисодиётимизнинг бир тарафлама ривожланганини ва яқин кунларгача республикадан фақатгина хом ашё базаси сифатида фойдаланиб келинганини ҳисобга олсак, бу борада Ўзбекистонимизнинг елкасидаги юмушлар кўпроқ ва қийинроқ экани яққол кўринади. Аммо, истиқлол шарофати билан миллий валютанинг жорий этилиши республикамизнинг бундан кейин-да тайёр хом ашё базаси бўлиб қолаверишига узил-кесил чек қўйди. Халқимиз ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш, пулнинг қадрсизланишини тўхтатиш ва турмуш даражасини юксалтиришда сўмга катта умид билан қарамоқда. Миллий пулимизнинг халқ ишончини оқлаши, яхши ишлаши учун республикада пул ислоҳотининг босқичма-босқич амалга ошириладиган дастури ишлаб чиқилди.

Илк босқичда оралиқ тўлов воситаси бўлган сўм-купон жорий этилди. Сўм-купон амалда бўлган 9 ой муддат мобайнида биз пул-кредит тизимини бошқаришнинг бир қатор йирик иқтисодий воситаларини синаб кўрдик, миллий валютанинг турғунлигини сақлаб қолиш учун иқтисодий ва ташкилий замин тайёрлашга доир чора-тадбирларни амалга оширдик. Натижада, ҳар ойда пулнинг қадрсизланиш даражаси бир текисда тушиб боришига эришдик. 1995 йил охирига келиб, пулнинг қадрсизланишини ҳар ойда икки фоиз пасайишига эришиш — Марказий банк зиммасидаги муҳим вазифалардан биридир.

Иккинчи босқичда — 1994 йилнинг 1 июлидан бошлаб миллий валюта — сўм фаолият бошлади. Барча нархлар, тарифлар, иш ҳақи миқдорлари, стипендиялар, пенсия ва нафақалар, омонатлар ва бошқа тўловлар сўм-купон билан сўм нисбати бўйича қайта ҳисоблаб чиқилди. Аҳолининг пул тўловлари учун банкдан янги пулни бериш ҳамда сўм-купонларни чакана савдо, хизмат кўрсатиш тармоқларидан олиш ва омонатларга қўйиш йўли билан амалга оширилган янги пул белгиларини жорий этиш жараёни фақат сўм-купонлар муомалада бўлиши шароитида миллий валютага ўтиш ушбу босқичнинг энг қўлай ва ўзига хос хусусияти бўлди.

Шу ўринда Ўзбекистонда гўёки нақд пулнинг танқис экани ҳақида миш-мишлар, ондасонда бўлса-да, қулоққа чалиниб қолаётгани ҳақида тўхталмоқчимиз. Таъкидлаш лозимки, Марказий банк тижорат банкларининг барча эҳтиёжларини нақд пул билан қоплайдиган даражада пул белгилари заҳирасини керакли миқдорда тайёрлаган. «Пул танқислиги» ҳақида асоссиз гаплар тарқалганининг сабаби бошқа нарсада. Ҳукумат ва Марказий банк пулнинг қадрсизланишини жиловлаш йўлидаги ҳаракатлари давомида ҳар бир хўжалик юритувчи субъект реал ишлаб топилган пуллар ҳисобига фаолият кўрсатиши керак, деган ҳулосага келди. Шу сабабли биз июль ойидан бошлаб маош тўлаш учун кредит беришни таъқиқлаб қўйдик. Пул тўлашнинг кечикиши, асосан, хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисобида маблағ етишмаслиги ва тижорат банклари қабул қилаётган нақд пулларнинг нақд пулсиз эквивалентини Марказий банк ҳисобига ўтказиш учун вакиллик ҳисоб рақамларида ресурсларнинг етишмаслиги билан боғлиқ.

Сўмнинг ички айирбошланишига эришиш — миллий валютага ўтиш учинчи босқичининг бош мақсадидир.

Валюта маблағларининг етишмаслигини инобатга олиб, Марказий банк биринчи даражадаги тармоқлар ва республикага энг зарур молларни импорт асосида олиб келувчи корхоналарга сўмларни эркин айирбошланадиган валютага алмаштириш имтиёзли ҳуқуқларига эгалик қилиш учун рухсатномалар берди. Айни пайтда республика валюта биржасига чет эл валютаси тушуми қўпаймоқда ва валюта операциялари қатнашчиларининг доираси ҳам кенгайиб бормоқда.

Яқинда давлат экспорти ва марказлаштирилган ресурслар ҳисобидан тушган эркин алмаштирилган валюта тушумининг ҳаммасини 1995 йил 1 январидан бошлаб Марказий банкка мажбурий сотиш ва валюта тушумининг ўттиз фоизини мажбурий сотишга доир амалдаги имтиёзларнинг бекор қилинишини кўзда тутувчи ҳукумат қарори қабул қилинди. Бу, бизнинг ҳомчўтларимизга кўра, ички валюта бозоридаги операциялар ҳажмини кенгайтириш учун зарур бўлган ресурслар базасини яратишга имкон беради.

Кредитни қувватлаш масаласига келганда, шуни айтиш керакки, бу йўналишда Марказий банк сўм муомалага киритилгунга қадар ва муомалага киритилгандан кейинги даврлар учун ўз сиёсатини ишлаб чиқиб, амалиётда қўлламоқда. Хусусан, биринчи босқичда биз иқтисодиётни бевосита қувватладик, яъни республика банкларига молиявий жиҳатдан мустаҳкамланиш имкониятни бердик.

Таҳлилларимиз шуни кўрсатдики, мавжуд олтин-валюта заҳиралари ва халқаро ташкилотларнинг кредитлари ҳисобигагина сўмнинг ички конвертланиши ҳамда иқтисодий ўсишга эришиш амри маҳолдир. Бу ўринда биз импорт ўрнини қопловчи тармоқларни қўллаб-қувватладик ва шу тариқа эркин алмаштириладиган валютага бўлган талабни камайтирдик. Акс ҳолда, мамлакатимиз дунёда олтин ва пахтанинг йирик ишлаб чиқарувчиларидан бири бўлса-да, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг хорижий заҳиралари нефть ва доннинг зарур миқдорда четдан келтирилишини кутара олмасди.

Ҳозирда энергия, донни марказлаштирилган ҳолда четдан келтиришни камайтириш ҳисобига валюта биржасида операциялар ҳажмини ошириш мўлжалланмоқда. Бу — келгусида сўмнинг ички конвертланиши учун яратилган қулай шарт-шароитлардан бири бўлиши табиий.

Ўзбекистон, аввало, ўз кучларига таянади. Бу кучнинг асосини меҳнатсевар халқимиз ва беҳад табиий бойликларимиз ташкил қилади. Шу билан бирга бизнинг мақсадимиз — жаҳон ҳамжамиятида ўз иқтисосий ўрнимизни топиб олишдан иборат. Биз сўмнинг ички айирбошланишига эришишни жаҳон иқтисодиёти ва савдосига қўшилиш йўлидаги қадам деб ҳисоблаймиз.

Бугун эркин бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатимиз қулай табиий шаронти, ерости ва бошқа моддий бойликларнинг кўплиги туфайли хорижлик сармоядорлар эътиборини тобора кўпроқ жалб этмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, дунёдаги ҳеч бир давлат чет эл инвестициясиз тараққий эта олмайди. Шу жиҳатдан, иқтисодиётимизга чет эл молиявий-техникавий ёрдами қанчалик кўп кириб келса, шунча яхши. Республикада мулкчилик шаклини ўзгартириш жараёнининг жадал суръатларда бораётгани хорижий давлатлар, ҳуқуқий шахслар, халқаро ташкилотлар, шунингдек, чет эл фуқароларининг юртимизда хорижий инвестр сифатида фаолият бошлаши учун катта имконият яратмоқда.

Ҳозир диёримизда хорижлик шериклар билан ҳамкорликда 1400 дан зиёд қўшма корхона барпо этилди. Ҳамкорларимиз орасида «Мерседес-Бенц», «ДЭУ корпорейшин» ва дунёга танилган кўплаб бошқа компаниялар, экспорт-импорт агентликлари ва банклар бор.

Бизнинг нефть-газ мажмуини қўллаб-қувватлашимиз ва унинг барқарор ривожланиши чет эл ишбилармонларининг диққатини тортди. Бу соҳада ҳамкорлик қилишда биринчи қадамларни «Элф-акитен» француз нефть компанияси бўлди. Бугунги кунда Бухорода нефтни қайта ишлаш заводи қурилишига француз фирмаси — «Техник» бош-қош бўлаётган бўлса, йирик нефть кони — Кўкдумалоқда АҚШ ва Япония банклари маблағ билан таъминлаётган америка-япон консорциуми ишламоқда.

Маҳаллий банкларимиз ва хорижий сармоядорларнинг машинасозлик соҳасига ҳамда деҳқончилик-саноат мажмуига ҳам қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Масалан, Асакадаги автомобиль заводи қурилиши ҳам банклар иштирокида амалга оширилаяпти. Йилига 200 минг дона енгил машина ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган бу корхонани 1996 йилда ишга тушириш мўлжалланмоқда. Банклар кредитлари ҳисобига қурилган яна бир иншоот — Хоразмдаги заводда эса 300 дан ортиқ «Мерседес-бенц» автопоездлари йиғиб бўлинди.

Республикамизнинг ҳамма минтақаларида хорижий мутахассислар ва инвестициялар иштирокида картошка етиштиришнинг «Голланд технологияси» ўзлаштирилмоқда. Мева, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича қўшма корхоналар ташкил этиляпти.

Ўзбекистон қонунларида маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун бир хил шароит яратиб берилгани чет эллиларнинг эътиборини қозонмоқда.

Натижада, республика ташқи савдо оборoти таркиби секин-аста ўзгармоқда. Ўзбекистонда 1994 йилда экспорт операциялари ҳажми олдинги йилга нисбатан 40 фоиз ортди.

Республикамизда тинч бунёдкорлик жараёни давом этяпти. Миллий иқтисодиётнинг энергетика базаси яратилди, бозор инфраструктурасининг асослари шакланди. Собиқ Иттифоқнинг кўпгина республикаларидан фарқли равишда биз нефть, газ, олтин ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ўсишга эришмоқдамиз. Иқтисодиётимизга чет эл инвестицияларини жалб этишга, туризм, маданий ҳаёт ва ходимлар тайёрлаш соҳаларидаги ҳамкорликка катта эътибор қаратиляпти. Республика ҳукумати ва Марказий банки миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш ва унинг ички қувватини босқичма-босқич ошириш масалаларига доимий равишда аҳамият бериб келмоқда.

Мамамирзо НУРМУРОТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг ўринбосари.

Дозарб мавзуда мулоқот

«ЮЛДУЗ»И ЮЛДУЗИГА ТЎҒРИ КЕЛСА...

Суҳбатдошим кўпчиликка таниш: Ўзбекистон Фанлар академияси «Биолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, қишлоқ хўжалик фанлар академияси академиги, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Остон Жалилов. У билан мулоқотимизнинг асосий боиси — жаҳон андозаси талабларига жавоб бера оладиган, тезпишар, толасининг сифати ҳам юқори бўлган ғўза навларини иложи борича кўпроқ ва тезроқ ишлаб чиқаришга жорий этиш йўлларини қидириб топишдир.

Дуппини ерга қўйиб ўйлаб кўрсак, деҳқонларимиз йил ўн икки ой далаларда астойдил меҳнат қиладилару айни ҳосилни йиғиб-териб олиш пайтида қийналиб қоладилар. Ёғин-сочинли кунлар бошлангандан кейин эса пешона тери билан етиштирилган қанчадан-қанча пахта лой, қор остида қолиб кетади. Бунинг устига майдонлар вақтида ҳосилдан тозаланмаганлиги учун шудгорлаш ҳам кечикиб кетади.

«Наҳотки, олимларимиз эрта кузгаёқ чамандек очиладиган янги ғўза навларини топиша олмаётган бўлса?» Бу саволни оддий пахтакорлардан тез-тез эшитишимиз мумкин. Бунинг устига яна бир жиддий мулоҳаза шуки, пахта, нефть, қоракўл, металл, дон каби мустақил давлатимизга валюта келтирадиган катта бойлик.

— «Юлдуз» нави довруғини эшитганмиз. Сиз биринчилардан бўлиб ана шу тезпишар ғўза навини деҳқонларимизга тавсия этдингиз. Айтингчи, унинг амалий натижалари қандай?

— Кўп узоққа бормайлик. Утган йили Қашқадарё вилоятининг Китоб, Қамаши туманлари сентябрь ойидаёқ режаларини ошириб бажаришганининг шоҳиди бўлдик. Ўнлаб хўжаликларда ҳам худди шундай бўлди. Бу биринчидан. Иккинчидан эса, ўша жойларда ҳосилдорлик ҳам кескин ошди. Масалан, Қамаши тумани бўйича «Юлдуз»нинг ҳосилдорлиги 30,4 центнерга етди. Китоб туманидаги кўрсаткич ҳам кишини қувонтиради. Қамаши туманидаги «Чин» жамоа хўжалиги бригадалари 39,1-44 центнердан ҳосил қутардилар. Бундай мисоллар кўп.

— «Юлдуз»ни 39-40 фоиз тола берадиган нав сифатида баҳолашади. Унинг асосий афзаллиги ҳам шунда эмасми?

— Тола чиқишининг аҳамиятини деҳқонларимиз тўла тушуниб олишлари учун бир мисол келтирмоқчиман. Агар республикамиз миқёсида пахтачилик соҳасида тола чиқиши 1 фоизга кўпайса, бу қўшимча суратда 20-25 минг гектар майдондан олинадиган пахтага тенгдир. Ёки шунинг ўзи ҳозирги ҳисоб-китоблар бўйича қўшимча 40 миллион доллар сармоя келтиради.

— Тола чиқиши чет мамлакатларда навларга баҳо беришнинг энг асосий мезони ҳисобланади, шундай эмасми? Биздa афсуски кўп вақтлардан буён бу муҳим муаммога эътибор берилмади, ялпи ҳосил орқасидан қувиб келинди. Энди Ўзбекистон жаҳонга юз тутган мустақиллик йилларида биз толанинг қадрини кеч тушуняпмиз. Бу кўпроқ, Сиз, олимларга яхши аёндир...

— Жаҳон бозорида бир тонна тола 1700-2100 доллар туради. Биз қанчалик янги навларни жорий қилишга қадил ўтсак, ҳеч бир ортиқча сарф-харажат қилмасдан сармоямизга сармоя қўшиш мумкин. Ҳисоб-китобга кўра, республикамизда буни амалга оширсак, хирмонимизга қўшимча 170-200 минг тонна пахта толаси қўшилар экан. Бу бутун бир вилоятнинг пахтасига тенг.

— Остон Жалилович, ахир бу катта ички имкониятларимиз-ку. Энди бу катта ишни рўёбга чиқариш учун нималар қилиш зарур деб ўйлайсиз?

— Мен кўп йиллик тажрибамга таяниб шундай хулосага келдимки, биринчидан, «Юлдуз», яна «Меҳр», «АН-415», «Тошкент-6» навлари экилган жойларда сентябрь октябрдаёқ терим тугайди. Демак, бу кузги ғаллани сифатли экиб олиш ва келгуси йили эса ғалладан бўшаган ерларнинг бир қисмига тезпишар ана шу ғўза навларини экиш имконияти туғилади. Қаранг, хўжаликлар ҳам пахта толасидан ютади, ҳам ўзини ғалла билан таъминлайди. Бунинг устига тупроқ унумдорлиги ошади ва соғломлашади. Яна такрор айтаманки, бунда экин майдонлари мутлақо кенгайтирилмайди, қўшимча маблағ ҳам сарфланмайди. Юқоридаги навларда бошқаларга қараганда тола чиқиши режадагидан ўртача 7 фоиз юқорилигини ҳаёт ўзи исботлаб турибди.

— Ҳеч қандай ортиқча сарф-харажат қилмасдан шунча тола олинадиган бўлса, сих ҳам кабоб ҳам қуймасдан сифатли пахтага, ҳам мўл донга эга бўлсак, нега унда бу янги навларга кенг миқёсда ўтмаяпмиз? Умуман, унга ўтиш тизимини олим сифатида яққол тасаввур қиласизми?

— Ҳа-да. Ҳамма гап шунда. Тизим керак, тизим! Бутун дунёда қабул қилинганидек, тола ўлчовига ўтишимиз керак. Режалаштириш ва ҳосилдорликни белгилашда жаҳонда ана шу ўлчовга амал қилинади.

— Таклифингиз моҳиятини тушуниб турибман. Аммо режалаштириш ва ҳосилдорликни белгилаш масаласида яна маъмурий-буйруқбозлик, юқоридан деҳқонларга кўрсатмалар бериш ҳали келмайдими?

— Мен давлат буюртмаси ҳақида гапиряпман, холос. Ҳар йили дастлабки ойлардан бошлабоқ республикамиз ўз эҳтиёжига ва хорижга қанча тола кераклигини мутахассисларимиз аниқ ҳисоб-китоб қилиб чиқишлари керак бўлади. Ана шундан кейин хўжаликларга уларнинг пахта майдонларига қараб аниқ буюртма бериш керак. Бу нима учун зарур? Шундай қилинса, хўжаликларнинг ўзлари кўпроқ тола берадиган тезпишар ғўза навларини экишга қизиқадиган бўлишади.

— Боя сиз суҳбатимиз орасида Боғот тумани хўжаликлари бултур 1800 гектар майдонга «Юлдуз» навини экишганини, 1000 гектари табиий офатдан кейин 10-28 май оралиғида экилганига қарамасдан 30-35 центнердан ҳосил олингани, умуман туман пахта тайёрлаш режасини муддатидан олдин уддалагани ҳақида бир гап айтган эдингиз.

— Яхши эсимга солдингиз. Яккабоғ пахта тозалаш заводида қайта ишланаётган «Юлдуз» навли пахтадан 38 фоиз тола чиқяпти. Бутун Қашқадарё вилоятида 61 минг гектар майдонга ана шу навдан экилди. «108-Ф» ва «Бухоро-6» навларига қараганда бу майдонларда ҳосилдорлик 2-3 центнерга ошди. Сурхондарё вилоятининг Узун туманида, Пирназаров номли элита хўжалигида ҳам у ўз афзалликларини кўрсатди.

— Республикамиз бўйича бултур қанча майдонда «Юлдуз» чамани очилди?

— 89 минг гектар майдонда. Ҳа, айтганча, яна бир гап: у экилган майдонларда йилига икки ҳосил олиш мумкинлигини тажриба кўрсатди. Жиззах вилоятидаги тажриба майдонларида ва бошқа жойларда агротехника қоидаларига яхши риоя этилиб, «Юлдуз»да сув ҳам, ўғит ҳам, бошқа кўпгина харажатлар ҳам тежалди. Ўзимча қизиқ бир хомчўт ҳам қилганман. Кейинги уч йил ичида экилган 5 та навнинг натижаларини таҳлил қилиб чиқдим. «С-6524», «Қирғиз-3», «С-9070» ва бошқа навлар билан «Юлдуз»ни таққосладим. Агар шу уч йилда ўша навлар экилган 1811,4 минг гектар майдонга «Юлдуз» навини экканимизда борми, қўшимча 304 минг тоннадан зиёд тола олган бўларканмиз. Кимга фойда-ю кимга зиён?

— Доно халқимизда «чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин» деган нақл бор. Гап яқин йиллар ичида пахта майдонларини кенгайтириш ҳисобига эмас, балки ички имкониятлар ва фан ютуқларини жорий этиш эвазига пахта ҳосилдорлигини ошириш ҳақида бораётган экан, Сиз мутахассислар деҳқонларимизга қандай таклифлар бермоқчисиз?

— Асосийсини юқорида айтиб ўтдим. Бу — ҳосилдорлик тола чиқиши ва сифати масаласи. Иккинчи муҳим масала, назаримда, уруғчиликнинг аҳволи кундан-кунга ёмонлашиб бораётганидир. У давлат тизими ихтиёрида бўлиб, ҳеч ким элита-уруғчилик хўжалигини тузишга қизиқмаяпти. Деҳқон-фермер хўжаликлари каби элита хўжаликларини ҳам тузиш, уни агрофирма таркибига киритиш, зарур ускуналар ва юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш мумкин-ку. Эътибор беряпсизми, агрофирма тузиш қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда етакчи аҳамиятга эга. Агрофирмада уруғ билан таъминловчи элита хўжаликлари, бир қатор фермер ва жамоа хўжаликлари, машина-трактор парки, пахта тозалаш заводи, тола сифатини аниқловчи ўз лабораторияси бўлса, бунга нима етсин. Хитойда давлат нав синаш далаларига тола чиқиши 40 фоиздан кам бўлган навлар қабул қилинмас экан. Францияда Шимолий Африка мамлакатларига мўлжаллаб яратилган навларда тола чиқиши 42 фоиз экан. Биз эса тола чиқиши 29-31 фоиз бўлган «Қирғизистон-3», «С-9070» ва бошқа суст навлар билан кифояланиб ўтирибмиз. Утган йили республикамиз бўйича 1 миллион 248 минг тонна тола олинди. Агар янги тезпишар навларга эътибор берганимизда эди, бу кўрсаткич ниҳоятда юқори бўларди

— Ҳозир истиқболли, юқори ҳосилли, тезпишар навлардан яна қайсилари бор?

— «Мир», «Дуру гавҳар», АН-415», «АН–Ўзбекистон-4», «Хоразм-126» , «Фарғона-3», «Наманган-77», «С-6530», «С-6532», «АН-510» ғўза навларидир. Буларнинг ҳар бири ўзига хос агротехник қоидаларга қатъий риоя қилишни тақазо этади. Биз бир нарсани унутмаслигимиз керак. Халқаро бозорда тола узунлиги, унинг майинлиги, қанчалик оқлиги ва бошқа кўрсаткичлар асосий мезонга мос келиши лозим. Ҳолбуки, биз ҳозир отабоболардан қолган эски усулда, яъни дунёнинг ҳеч бир жойида қўлланилмайдиган усулда толанинг сифатини аниқламоқдамиз. Шунинг учун ҳам олимларимиз халқаро андозалар бўйича тола сифатини яхшилашда селекция соҳасига чуқур кириб бора олмаяптилар. Тола чет элга чиқарилаётганда эса хорижий фирмалар уни ўз асбобларида қайта текширувдан ўтказадилар. Толанинг 17 сифатини аниқлаб берувчи «Спинлаб» асбобидан республикамиз лоақал бир нечасини сотиб олиши зарурдир. Ҳолбуки, Ҳиндистон ва Хитойнинг ҳар бир пахтачилик муассасаси ана шундай замонавий асбобга эга. Янги навлар толасини лаборатория ва фабрика шароитида синаш учун махсус корхоналар қуриш фойдадан ҳоли бўлмас эди.

— Сизнинг фикрингизча, ҳозирги пайтда пахтачиликдаги энг муҳим муаммолар нималардан иборат?

— Булар — ҳосилдорлик, тола чиқиши ва унинг сифати масаласи; экология масаласи, уруғчилик муаммолари; пахта ишлаб чиқаришни бошқариш технологияси; агротехник тадбирлар ва ниҳоят, кадрлар ислоҳоти.

— Айрим муаммолар ечимига тўхталиб ўтдингиз чоғи. Биргина суҳбатда бу катта масалаларнинг ҳар бири ҳақида батафсил тўхталишнинг иложи йўқ, албатта. Республикамиз учун муҳим бўлган эртапишар навлар масаласига қайтсак.

— Мен сизга айтсам, Ўзбекистонда шундай хилма-хил эртапишар навлар яратилмоқдаки, уларнинг дунё пахтачилигида ўхшаши йўқдир. Ҳозир биз учун энг муҳими, навларимиз ҳам эрта пишар, ҳам баҳорги совуққа чидамли бўлсин. Навларни жойлаштириш бениҳоя холисликни тақазо этади. Дунёнинг ҳеч бир мамлакатида биздагидек хилма-хил навлар бир ҳудудда экилмайди. Нари борса бир хўжаликда бир хил нав экилади, холос. Бизда эса ўртача иккитадан нав экиляпти. Бу эса уруғларнинг пахта заводларида аралашиб кетишига, навнинг бузилишига сабаб бўляпти.

Уруғшуносларнинг ишини мураккаблаштирмоқда. Турли навли уруғлар бир-бирига аралашиб кетиши натижасида унинг софлиги камаймоқда. Агар тегишли майдонга юқори сифатли бир хил навли уруғ экилса, ҳосилдорлик 25-30 фоиз ошиши амалда исботланган.

Республикамизда янги навларни кўпайтириш билан шуғулланадиган 50 дан ортиқ элита - уруғчилик хўжаликлари бор. Тўғрисини айтганда, уларнинг иши замон талабига ҳали тула жавоб беролмайди. Лоақал бир мисол. Элита-уруғчилик хўжалигида машина терими ёмон оқибатга олиб келяпти. Негаки, бунда яхши уруғ чиртак ёмон уруғ билан аралашиб кетади. Шу сабабли уруғлик пахтанинг асосий қисми қўл билан териб олиниши лозим. Бу соҳадаги ишнинг муваффақиятини малакали кадрлар — уруғшунослар ҳал қилишини алоҳида қайд этмоқчиман. Замонавий пахтачилик илмидан хабардор уруғшунос мутахассисларни тайёрлашга муҳим эътибор бермоқ керак.

Шунингдек, ҳосилдорликни ва тола сифатини ошириш учун бошқа муҳим омиллардан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш учун алмашлаб экишга риоя этиш, чунончи қисқа муддатда қатор ораларига кузги, айниқса, дуккакли — мош, нўхот, ловия ва бошқа экинларни экиш кўнгилдагидек натижа беради. Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатиш корхонаси (сервис)ни янада ривожлантириш, қишлоқ хўжалик экинларини кимёвий препаратлар (мосламалар) ҳамда биологик усул билан ҳимоя қилиш ва бошқа тадбирлар пахта экин майдонларини кенгайтирмасдан туриб хирмонни бойитишга хизмат қилади.

— Остон Жалилович, беш қўл баробар эмас. Баъзан бир вилоят туманларининг ўзида бир хил нав ҳар хил натижа беради.

— Бунинг асосий сабаби олимларимиз тавсиясининг чала-чулпа амалга оширилиши оқибатидир. Яъни илмда, тажрибада бу навнинг юқори кўрсаткичга эришиши ҳисоб-китоб қилиб чиқилган. Ишлаб чиқаришда, амалиётда кўпинча бу имкониятларнинг ярми ҳам намоён бўлмайди. Демак, ё навлар агроиқлим минтақалари бўйича нотўғри тақсимланган ёки ўта паст ҳамда нотўғри агротехник тадбирлар ўтказилган. Ғўзалар ёмон парвариш қилинган. Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларининг кўпгина хўжаликларининг илғор бригадалари «Юлдуз» навидан 40-50 центнердан дурдона оляпти-ку.

Айрим жойларда ишнинг кўзини билмаслик орқасида кўнгилдагидек натижага эришилмаса, демак биз илғор хўжаликлар қандай қилиб ҳосилдорликни оширишга ва тола сифатини яхшилашга эришаётганликларини, уларнинг бу борадаги бой тажрибаларини кенг оммалаштиришимиз зарур. Шундагина биз деҳқонларимиз оғирини енгил қиламиз, жаҳон бозорига ўз маҳсулотларимизни ёруғ юз билан олиб чиқа оламиз.

Ҳамид ИКРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

Меҳнатдан келса бойлик...

КЎНГИЛЛАРНИ КЎТАРИБ

Ўтган йилни Зафаробод тумани деҳқонлари ёруғ юз билан якунлашди. Пахта тайёрлаш йиллик режаси бажарилди. Бу соҳада улар вилоятнинг бошқа туманларига ибрат кўрсатишди.

— Яхшиси, Собир Раҳимов ва Ҳамид Олимжон номли ижара ширкатлар бирлашмасига борсак, — деб таклиф қилади туман ҳокими муовини Қаҳрамон Силлиев.

Кета туриб атрофга назар ташлаймиз. Бетон ариқлар, кенг дала... Ҳозир қиш. Юмушлар бироз камайган. Лекин Собир Раҳимов номли хўжалик бош иқтисодчиси Исомиддин Шербеков ҳисоб-китоб билан банд.

— Пахта топшириш режасини туманда биринчилар қатори бажардик. Толадан 50 миллион сўм даромад қилганмиз. 1700 тонна чигитни қайта ишлаб ундан олинадиган ёғ, шелуха-кунжарани жамоамиз аъзоларига тарқатишни режалаштирганмиз. Учта боғча таъминоти ҳам хўжалигимиз ҳисобидан бўляпти, — дейди бош иқтисодчи.

Ҳамид Олимжон номли ижара ширкатлар бирлашмасига ўтамиз. Бу ерда ҳам йил якунлари хомчўт қилинаётган экан.

— Пахта, ғалла тайёрлаш режасини уддаладик, — гап бошлайди хўжалик раҳбари Абдурашид Абдукаримов.

— Асосий вазифамиз ишчиларимиз кўнглини кўтариб, уларга ғамхўрлик қилиш. Шу мақсадда озиқ-овқат маҳсулотларини нисбатан арзон нархда бераётирмиз. Одамларимиз меҳнаткаш. 11 миллион сўмлик фойдамиз ана шуларнинг йил бўйи қилган меҳнатлари самарасидир.

Сир эмас. Ҳозир кўп жойларда техника қаровсиз аҳволда ётибди. Зеро, Ҳамид Олимжон номли ижара ширкатлар бирлашмасининг марказий устахонасида бўлганимизда техникага бўлган муносабатни кўриб кўнглимиз кўтарилди. «Қанийди, ҳамма жойда ҳам шундай бўлса», деган фикр хаёлимиздан ўтди. 35 та культиватор, 16 та сеялка тахт қилиб қўйилган. Бошқа машина-механизмларни созлаш ишлари ниҳоясига етказилаётир. Эҳтиёт қисмлар етарли.

Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлар, деганларидек, мазкур жамоа аҳли кўкламги дала ишларига пухта ҳозирлик кўряпти.

Бу йил ҳам омадлари чопиб, хирмонлари баланд бўлсин.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СУРАТДА: (чапдан) ишчилар Салим Рўзиев, Ҳусан Хўрозов, хўжалик раҳбари Абдурашид Абдукаримов ва Баҳодир Очиловлар созлаб қўйилган тракторларни яна бир бор кўздан кечиришмоқда.

Н. АЛМУРОДОВ олган сурат.

ҚИТЪАЛАР ЙЎЛЛАРИ ТОШКЕНТДА УЧРАШАДИ

Бугунги кунда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси Жанубий-Шарқий Осиё минтақасида ва МДҲ мамлакатлари ўртасида йирик ҳисобланади. Миллий авиакомпаниянинг ҳаво кемалари 20 дан ортиқ узоқ хориж ва бир қатор ҳамдўстлик мамлакатларига йўловчилар ва юкларни ташишда доимий парвозларни амалга оширмоқда.

Мустақил Ўзбекистоннинг миллий авиакомпанияси ташкил этилганига уч йил бўлди. Бу даврда собиқ Иттифоқдан қолган жуда кўп муаммоларни ҳал этиш борасида талай ишларни қилишга тўғри келди. Бу ҳақда авиакомпанияда республика оммавий ахборот воситалари мухбирлари учун ўтказилган матбуот конференциясида амалга оширилган ишлар ва бу йилги режалар ҳақида гап борди.

Конференцияни «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бош директорининг биринчи ўринбосари Арслон Ғойибович Рузметов олиб борди. А-310, Ил-62, ТУ-154, Ил-76, ҳаво кемалари паркига эга бўлган корхона ҳозирда Англия, Германия, Исроил, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари, Таиланд, Малайзия, Хитой, Ҳиндистон, Покистон ва бошқа мамлакатларга доимий парвозларни бажармоқда. 1994 йилда 2 миллиард 256 миллион йўловчи-километр иш бажарилди. Бу ундан аввалги йилдагига нисбатан 18 фоиз, халқаро қатновларда 20 фоиз усиш бўлганлигини англатади. Ўтган йили ҳаммаси бўлиб 1 миллион 400 минг йўловчи манзилларга етказилди.

Бу йил янги-янги ҳаво йўллари очилиши эвазига йўловчи обороти 11, 47 фоиз усиши режаланган. Келгуси ойдан бошлаб Нидерланд мамлакати пойтахти Амстердамга парвозлар бошланади. Бу учиш дастлаб Франкфуртда қўниб ўтиш билан бажарилади. Рига ва Амстердамда қўниб ўтиш билан Американинг Нью-Йорк шаҳрига очиладиган рейси бажаришга қизғин ҳозирлик қўрилмоқда. Айни пайтда Америка ва Европа қитъаларидан Тошкентда қўниб ўтиш билан Осиёнинг Жанубий-Шарқий мамлакатларига борадиган йўловчилар учун қулай бирикиш рейсларини жорий этиш юзасидан музокаралар олиб борилмоқда. Сингапур ва Жакартага борадиган самолётлар Куала-Лумпурда қўниб ўтадиган бўлади.

Утган йили авиакомпания Японияга чартер рейслари дастурини бажарди. Жанубий Кореянинг пойтахти Сеулда янги ваколатхона очилди. Тошкент-Манчестер халқаро авиайўли ўзлаштирилди. Ҳозир Афинага буюртма рейслари бажарилмоқдаки, бу ҳам ўзига хос синов бўлиб кейинчалик доимийга айланади.

Бу йил очиладиган янги ҳаво йўлларида жаҳоннинг энг машҳур шаҳарлари — Рим, Париж, Қоҳира ва Ҳошимин номлари бор. Шарқ мамлакатлари йўналишида қатновлар яна кўпаяди.

Бундай кенг қамровли халқаро қатнов дастурини амалга ошириш учун авиация техникасини янгилаш борасида ҳам эътиборга молик ишлар амалга оширилади. Авиакомпания 2 та Ил-114 самолетини сотиб олди. Лизинг асосида А-310-300 ёки Ил-96 аэробусини сотиб олиш юзасидан музокаралар бораяпти.

Матбуот конференциясида мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида халқ хўжалигининг равнақи учун қувонарли режалар кўплиги алоҳида таъкидланди.

Абдулла ПЎЛАТОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

Лўқма

ҚАЛТИРАГАН «СЎҚИМ»ЛАР

Шу кунларда Вобкент туманидаги молларни ўстириш ва бўрдоқига боқиш корхонаси мутасаддиларининг пайтавасига қурт тушиб қолган. Нимага дейсизми? Бутун ёз бўйи аканг раҳбар деб юрган Хайрулла Ҳайитов айни қиш ўртасида молларга емиш излаб хўжалик-ма-хўжалик юрганмиш! Биз корхонада бўлганимизда бу гапга очиғи, ишонмадик. Аммо ҳақиқий аҳволни кўриб, директорнинг турва кўтариб, сарсон-саргардон юрганининг боисини тушундик.

— Молхонани бир айлансак, — деган истагимизга корхона бош ҳисобчиси Намоз Нуров монелик қилганча бор экан. Буни қарангки, балчиқ тиззага чиқади, этиксиз юришнинг сира иложи йўқ. 922 бош қаромол тиззасигача ўз нурисига боттанича қалтираб турибди. Қовурғасини санаса бўладиган молларнинг аҳволига ачиниб кетасан, киши!

— Иссиқ биноларингиз борми ўзи? — сўраймиз ферма мудири Ислом Бобоевдан.

— Мана, шулар-да,— деди у нураган, томи тешилган,ойналари синиб, ичкариси гўнгдан яқин ун кунда тозаланмаган биноларни кўрсатаркан.

Бу нохуш манзарани кўрган кишининг ҳафсаласи пир бўлиб, афсусланиши аниқ. Қурилганига 13 йил бўлган бу комплекс бултур таъмирланди, деб даъво қилишди улар. Аммо, уларнинг бир ерига ҳам лой урилмаганлиги шундоқ кўриниб турибди. Шўр ерда тикланган биноларга атрофида қорёмғирдан катта-катта қўллар ҳосил бўлган.

Хўш, корхонада биноларни таъмирлашга вақт топишмаган экан, балки озуқа мўл бўлса керак, дерсиз. Афсуски, янглишасиз. Бултур 110 гектар озуқа экинлари экилган ердан бор йўғи 986 тонна ҳосил олинибди. Урвоқ ҳам бўлмайди бу. Сенажнинг таги кўриниб қолган. Дағал хашак майдаланса икки қопдан ошмайди.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, корхонанинг атрофи очиқ. Суқимми, озуқами ёки бошқа нарсани бемалол ўғирлашга шароит яратилган. Шунинг учун ҳам ўтган йил корхонада қуритиб қўйилган мол терисидан 39 таси гумдон бўлди. Хайриятки, ўғрилар топилиб, терилар корхонага қайтарилди. Бунинг устига 4 қоровул алмашиб туришади. Фермада ёриттич умуман йўқ. Хуллас, ҳамма нарса ибтидоий шаклда.

Бозор иқтисодига босқичма-босқич ўтилаётган бир шароитда турва қутариб, кучага чиқиш билан туёқларни асраб бўладими? Бунга кимлар айбдор? Бу саволларга жўяли жавобни вилоят мутасадди раҳбарлари беришса керак!

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Замондошларимиз

ТАДБИРКОР

Олма пиш-ғозимга туш, деб идорада савлат тўкиб ўтираверса, изланмаса, ундай раҳбар боқимандалик ҳолатига тушиб қолади. Қува мебель ишлаб чиқариш ҳиссадорлари жамияти директори Мусожон Исмоилов эса юрагида ути бор, тадбиркор, изланувчан ва серҳаракат йигитлардан чиқди.

У ҳақда аввало туман ҳокимиятида бўлган мажлисда эшитдим.

— Бозор иқтисодига ўтиш даврида ҳали бирон кун, бирон соат бу корхонада иш тўхтагани йўқ,— деди туман ҳокими Муҳаммаджон Носиров баъзи раҳбарларни танқид қиларкан, Мусожон тинмай изланади, қаердан бўлса ҳам хом ашё топиб келиш ҳаракатида бўлади. Ўз жамоаси манфаатини кўзлаш билан бирга қувликларни ўйлайди. Мактабларни, боғчаларни, идораларни, касалхоналарни сифатли, вақти келса бепул мебеллар билан таъминлаяпти.

Ҳокимликдан қайтишда катта кўча ёқасидаги «Омад» дуконига кирдим. Бу ҳашаматли бинода корхона маҳсулотлари намойиш қилинади ва сотилади. Ҳар қандай кишининг ҳавасини келтирадиганг бири-биридан чиройли, бежирим мебеллар. Оқ-қора, қаймоқ ва қаҳва рангли мехмонхона, хобхона, ошхона тўпламлари биллурдек ярақлайди. Мебелларнинг 35 хили қўйилган. Япон барқутлари қоплланган юмшоқ диван, креслолар, стуллар ҳашамдор. Дид билан ясалган, ихчам китоб жовонлари-ҳаммаси чет эл мебелларидан сира қолишмайди.

Директор хузуридаман. Кўринишидан деҳқон ўғли эканлиги сезилиб турган, Мартилон дўппилик, қорачадан келган ўрта бўйли йигит. Самимий саломлашдию, тинимсиз жиринглаётган телефон гўшагини олаётиб, узр сўради.

Телефондаги суҳбат мазмунидан Қашқадарё вилояти ҳокими муовини сим қоқиб, идоралар учун мебель сураяпти.

— Алло, мебель тайёр, пулингиз келиб тушса — жўнатамиз,— деди Мусожон гапни қисқа қилиб.

— Бошқа вилоятларда ҳам харидорларингиз кўп экан-да-а?

— Ҳа, шошириб қўйишяпти. Қўшни республикалардан ҳам буюртмалар келган.

Яна телефон жиринглайверади. Суҳбатимиз узуқ-юлуқ кечади.

Иш фаолиятини Толмозор қишлоғида ота-онаси ёнига кириб, далада меҳнат қилишдан бошлаган экан. Ҳарбий хизматни утаб келгач, Тошкент политехника техникумида ўқиди ва «Шарқ» мебель фабрикасида ишлаб, хунар урганди. Кейин Қувага қайтиб, шу корхонада аввал ишчи, сунгра механик, муҳандис, бош муҳандис вазифаларида хизмат қилди. Обру-эътибор топди. Мебелсозликнинг барча жараёнларини, дастсўҳлар «тили»ни урганиб олди. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқарилган ҳар бир маҳсулотнинг бирон жойида қалбакилик бўлса сезади. Цехларни айланиб, ишнинг ипидан-игнасигача сифатли бажарилишини талаб қилади. Ишчиларнинг дилидаги гапни топиб гапиради.

У Қувадан Фарғонага ҳар куни ишдан сўнг 35 чақирим йўл босиб бориб, политехника институтининг кечки бўлимида таҳсил курган дайтини эслади.

Дарҳақиқат, меҳнат билан, орзулар қанотида камолга етди. 1976 йили мебелсозлик бўйича Москвада малака ошириш институтида ўқиди. 1991 йили эса ишчилар бир овоздан директорликка сайлашди. Фабрика, кейин комбинат бўлиб кетган корхонани ўттан йили жамоа аҳли ўзларининг ўзи қилиб, сотиб олишди.

— Қисқа вақт ичида 6 миллион 800 минг сўм фойда олдик, — дейди Мусожон,— ушбу фойдани корхона ҳиссадорларига тақсимлаймиз...

Уларнинг Россия шаҳарларида дуст-биродарлари бор. Мева-сабзавот олиб бориб, Хабаровск, Пермь ва Олтой ўлкасидан юқори сифатли ёғоч-тахталар олиб келишади. Нафис бўёқлар, газламаларни эса чет эллдан харид қилишади. Бу ерда ишчиларга 500 сўмдан 1000 сўмгача маош, яна мукофот ва ўн учинчи маош бор. Ишларни ташкил қилишда директор муовинлари Баҳодир Ҳайдаматов, Жўрахон Улиқов, Зокиржон Мадумаров, бош муҳандис Абдубакир Сайфуддинов ҳамда Абдурашид Комиловларнинг хизматлари катта, албатта...

— Ҳом ашёни ўзимизда ҳам етиштирсак, деган ниятда Каркидон даштидан 38 гектар ер ўзлаштириб, 50 минг туп бақа терак экдик. 18 минг туп олма, ўрик, шафтоли ниҳоли мевага кирди, оралигида саримсоқ пиёз етиштириб, Россияга жўнатдик. Энди бу богни 100 гектарга етказамиз...

Корхона касаба уюшмаси раиси Розиятхон Фармонова эса туман аҳлига курсатилаётган мурувватдан сўз очди:

— Утган йили «Бегат» шифохонасига 100 та диван-кроват ҳадя қилдик. Болалар стоматология шифохонасини мебель билан таъминладик. Боғча, мактабларни оталиққа олганмиз. Қувада халқаро спорт ўйингоҳи қурилишига ёрдам берамиз, деб аҳд қилдик. Мусожон. Яна энг муҳими, ишчиларимиз қиз узатиб, ўгил уйлантирса имтиёзли нархда мебель берилади. Дам олиш уйлари, санаторий ва ўзимизнинг сиҳаттоҳга йўлланма бепул. Директорнинг ташаббуси билан пенсионерларимиз ва кам таъминланган оилаларга акция бепул тарқатилди.

Тадбиркор йигит яқинда «Омад» кичик корхонасини очди. Бу ерда дала меҳнаткашлари учун арзон иссиқ кийимлар, қулқоп тикилади ва аҳолининг ишдан чиққан мебеллари таъмирлаб, созлаб берилади. Натижада қанча ёшлар, аёллар иш билан таъминланди, ҳунар эгаси бўлишди.

1250 нафар ишчи меҳнат қиладиган корхонанинг гавжум цехларини айланиб, қули гул мебелсозларнинг баъзилари билан суҳбатлашдик. Абдубакир Алиев, Алижон Абдукаримов, Эркинбой Нуралиев, Абдураҳим Абдумуталов, Рустам Абдуллаев, Ғаффор Маматов ва бошқалар 15-20 йилдан бери ишлаб кам бўлмадик, уйлар қурдик, енгил машина олдик, туйлар утказдик. Ҳозир ҳам турмушимиз ёмон эмас,— дейишди мамнуният билан. Ҳунардан-унар, деганлари шу-да!

Халқ кимга ишонишни яхши билади. Дили пок, маънавияти юксак, ўзгалар дардига юраги жизиллаб, лаббай деб турадиган ва қўлидан иш келадиган инсон — Мусожон Исмоиловни мамлакат Олий мажлиси депутатлигига сайладилар.

Инсон учун эл-юрт ишончидан ортиқ мукофот борми? Мусожон, она халқимизга хизмат қиладиган пайтингиз келди!

Санъат МАҲМУДОВА.

Миллий рух

БИЗ ШУНДАЙ ХАЛҚМИЗ

Одатда, тарихий шахслар фаолияти ҳақидаги хотиралар улар оламдан ўтгандан сўнг ёзилади. Бундай чоғда, аниқки, уларнинг фақат ижобий фазилатларигина тилга олинади. Бу биздаги анъанавий, шарқона ахлоқий одат, бироқ кишиларнинг жамиятда тутган ўрни ва таъсир доираси ҳар хил.

Раҳбар шахсларнинг фазилатларини мансабда турган пайтда ёки турли юбилейларида айтиш бошқа-ю, лавозимдан бўшаб, оддий инсон сифатида меҳнат қилаётган пайтда айтиш бошқа. Негаки сўнгги чоғда уларга на моддий, на сиёсий-маъмурий жиҳатдан тобелик бўлмайди. Бу эса тарихий шахслар фаолиятини холисона ва бегараз баҳолашга имкон беради. Агар элига хизмати синган шахсларнинг хайрли ва олижаноб ишлари тириклигида оммалаштирилса, чиндан ҳам уларнинг буюклиги вақтида тан олинган бўлади.

Мустамлака даврининг сўнгги ярим асри тажрибаси шуни кўрсатдики, раҳбар шахсларнинг қизғин фаолияти пайтидаги олқишу мақтовлар аксарият юзаки, ўз мавқеини сақлаш ва мустаҳкамлаш воситасига айланган тушунчалар. Эсимни танигандан бери сирт-дан билган кишилар фаолиятини кузатарканман, ҳалол-пок, маданий-маънавий меросимизни сақлашда фидойи раҳбар-шахслар кўплигига амин бўлдим. Шулардан бири Ўзбекистоннинг «Шўролар даври» деб аталган қисқа тарихида — 50-йилларнинг иккинчи ярмида юқори лавозимни эгаллаган Нуриддин Муҳитдиновдир. Мен бу муҳтарам зотни илк бор 1947 йили Алишер Навоийнинг 500 йиллик тўйига бағишлаб Наманган шаҳридаги Навоий номли театрнинг ёзги биносида ўтказилган йиғилишда бош маърузачи сифатида кўрганман. Бу вақтда педбилим юртининг иккинчи курс талабаси эдим. Маъруза рус тилида бўлса-да, маърузачининг кучли нотиқлиги, ўзбек адабиёти ва маданиятини яхши билиши катта таассурот қолдирган эди.

Орадан йиллар ўтди. Шахсга сиғиниш оқибатларини тугатиш туфайли ижтимоий-сиёсий ҳаётда ижобий ўзгаришлар шабадаси эсгандек бўлди. Аммо бу мавжуд тузум табиатига, Комфирқанинг якка ҳокимлигига таъсир этмади. Ана шундай шароитда — 1956 йили Ўзбекистон зиёлиларининг 1 қурултойи бўлиб ўтди. Унда асосий маърузачи Н. А. Муҳитдинов эди. Маърузада биринчи бор қатағон йиллари қурбонларининг муборак номлари тилга олиниб, уларнинг ноҳақ жазоланганлиги очиб берилди.

Бордию, қатағон йиллари қурбонлари ва улар билан боғлиқ ижтимоий-тарихий масалалар 1956 йили эмас, балки мустақилликдан сўнг тилга олинганда борми, биз XXI аср-да ҳам уларни тўла-тўкис оқлаб улгурмас, айниқса, Октябрь тўнтариши келтириб чиқарган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар моҳиятини англаб етмас эдик. Бинобарин, Н. А. Муҳитдинов ҳам ўз даврининг фарзанди сифатида бошқалар каби тайёр маъруза матнини ўқиб бериб қўя қолиши мумкин эди, бироқ бу зот адолат ва ҳақиқатга суянган, шу туфайли ўз муҳитидан анча юқори кўтарилган раҳбар бўлган.

Фикримизча, маъруза матнини махсус «котиб»лар тузмаган, балки шахсан Н. А Муҳитдинов иштирокида тузилган кўринади. Ахир, ўша вақтда Марказий Қўмитанинг биринчи котибидан бошқа ким ҳам қатағон йиллари қурбонлари ва улар фожиаси билан боғлиқ сиёсий масалалар ҳақида масъулиятли гапни айта олар ва айтса гапи инобатга олинармиди? Шунинг учун бундай ҳаракатни жасорат деб аташга ҳақлимиз ва уни фақат шахсга сиғиниш оқибатларини тугатиш билангина боғлаш бир ёқламалик бўлади. Номлари онгимизга қоралаб сингдирилган тарихий шахслар фоалиятини холисона баҳолаш, бир бутун мамлакатнинг ярим асрдан ортиқ мураккаб давридаги оқни оқ, қорани қора деб айтиш учун куч ва билим керак.

Тўғри, маъруза матнига қарасангиз, унда ўша вақтда сўзсиз ҳақиқат деб саналган, аммо нотўғрилиги ҳозирги кунда фош қилинган талай масалалар мавжуд. Бу табиий, албатта. Чунки ўша вақтда 30-35 йилдан сўнг собиқ Иттифоқ парчаланиб, унинг ўрнида миллий мустақил давлатлар пайдо бўлишини ким башорат қила олар эди? Аммо сўнгги йилларда бемалол тилга олинган қатор масалалар бундан салкам 40 йил олдин айтилганига гувоҳ бўласиз. Жумладан, Туркистон халқларининг чоризмга қарши миллий-озодлик ҳаракатлари ҳақида: «Миллий-озодлик ҳаракатларининг диний пардага ўралганлиги бу ҳаракатларнинг ҳеч бир реакцион характерда эканлигини кўрсатмайди». 1905-1917 йиллар адабиёти ва шу даврда шаклланган «жадидизм» ҳақидаги масала «шу вақтгача танқидий ўрганилган эмас», саноатда ўзбек ишчиларининг ғоятда камлиги ва айрим ташкилотлар йиллар давомида битта ҳам ўзбек мутахассиси тайёрламаганлиги, миллий мусиқага салбий қараш юз берганлиги, маълум сиёсий даврларда хато ва камчиликлари бўлса-да, аммо хоин, давлатга қарши бўлмаган ёзувчи, шоирлар бўлганлиги, яъни адабиётимиз тарихида бўшлиқ бўлмаганлиги, бинобарин, кишилар фаолиятига баҳо беришда «бирор жиноятни қилишга олиб борган сабаб, мотив ва шарт-шароитлари» ҳисобга олиш зарурлиги ўша даврнинг ўзи учун жасорат эмасми? Бундай гаплар ёқмади, шекилли, Н. А. Муҳитдинов «марказ»га ишга олинди (бундан бошимиз осмонга етган эди!) ва биз узоқ вақт мазкур масалаларни четлаб, чалажарим ёритиб юрдик.

Шулар асосида айтиш мумкинки, Ўзбекистонда собиқ тузум ва ҳукмрон сиёсий ғояга биринчи бор раҳна солган, халқимизни уйғотган, маданияти ва адабиёти ўзига қайтиб берилган, миллий қадриятлари тикланиб, қўқрагига шамол теккан йиллар ўша даврдан бошланган. Афтидан, атоқли ёзувчи Абдулла Қаҳҳор умрининг охирги йилларидаги жасорати ва 60-йиллардан бошлаб қатор оташқалб, шижоатли ёш ёзувчи, шоирларнинг майдонга чиқиши ҳам ўша давр руҳи билан боғланади. Ҳа, халқ бор экан, ҳар қандай мураккаб шароитларда ҳам фидойи, ватанпарвар фарзандларни тарбиялаб етиштиравераді. Ана шундай фарзандлар бор экан, халқ ўлмайди, номи ўчмайди.

Аминжон МАМАТОВ,
филология фанлари номзоди, доцент.

Ҳамкасбларимиз ҳақида

СЎЗ ЖАРАНГИ

Ортиғали Тиловбердиевни журналистика оламига киргинимдан буён — 20 йилдан зиёд давр мобайнида биламан. У киши «Илк бор мақолангизи қачон эълон қилинган?» деган саволга «1951 йилда Мирзачўл тумани «Колхоз ҳаёти» газетасида» деб жавоб қилганида ҳайратимни яширолмадим. Ахир у пайтда биз тенгилар ҳатто туғилмаган эдик-да! Салкам ярим аср давомида сарғайиб кетган ўша газета тахламини Ортиғали ака ҳамон мисоли тўтиёдек эзъозлайди. Буям у кишининг ҳафсалалиги, ўз ишига пухталигига жонли мисолдир.

Кузланган мақсад сари астойдил интилиш, зиммасидаги ҳар бир юмушни виждонан адо этиш фазилатлари ёш Ортиғалига оилада тарбия кўриш даврида пайдо бўлганди. Гарчи у дастлабки олий маълумотни Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг агрономлик факультетида олган бўлса-да, қўлидаги қаламини қўймади. Аввал «Ёш ленинчи», сўнгра «Янгийўл» газеталарида қишлоқ хўжалиги бўлимларида тобланди. У замин билан тиллашаётган кишиларга тез қўшилиб кетар, лекин журналистика соҳасидаги маҳоратини янада ошириш керак-лигини ич-ичидан сезарди. Шунинг учун Янгийўл туман партия комитети уни Тошкент олий партия мактабининг журналистика бўлимига тавсия этганида тақдирнинг бундай бурилишидан қувончи ичига сиғмади. Ушбу даргоҳда таълим олгач, бироз муддат Сирдарё вилоят радиосида бош муҳаррирлик қилди.

1970 йилнинг 14 майи. Шу куни Ортиғали Тиловбердиев Ўзбекистон радиосининг қишлоқ ҳаёти таҳририятига бош муҳаррир бўлиб ишга қабул қилинди. Уттиз беш баҳорни қаршилаган бу йигитчага ўшанда олтмиш ёшингизни ҳам шу жойда, айнан ана шу лавозимда қаршилайсиз, деб башорат қилишганида кимдир ишонарди, кимдир йўқ. Ҳаётда худди шундай бўлди. Чорак асрдан буён мамлакат радиосининг катта бир таҳририятида бош муҳаррирлик қилмоқда. Юзаки қараганда, таржимаи ҳолнинг бундай кўриниши кимларгадир зерикарли кўринар.

Лекин Ортиғали ака ижод оламида тинимсиз изланиш билан ўтказмоқда бу даврни. Зотан, унда бунинг учун барча омиллар етарли эди, бир чўнтакда агрономлик дипломи, иккинчисида журналистлик васиқаси. Ҳаётий тажрибани ўтаган, энг муҳими, қалбида илҳомланиб ишлашга иштиёқ кучли эди. Худди ана шу хислатлар ўзбек радиожурналистикасида Ортиғали Тиловбердиевдай сиймонинг шаклланишида жуда-жуда асқотади.

Кейинги пайтларда Ўзбекистон радиосида сим орқали суҳбатлар яхши анъанага айланиб қолди. Ҳаво мавжларида ҳаётнинг томир уришини яққол ҳис этиш мумкин бўлган бу ижодий шакл миллионлаб радиотингловчиларни ўзига жалб этяпти. Лекин радиога ана шу янгиликни илк бор Ортиғали Тиловбердиев олиб кирганини, бу ҳақда «Совет Ўзбекистони» газетаси 1984 йилнинг 4 октябрида хабар қилганини айтсам ҳеч ким ажабланмаса керак. Қатор йиллар мобайнида республика механизаторлари мусобақасини ташкил этиш, ғолибларни шарафлаш, дала меҳнаткашлари учун нафақат ишлаб чиқариш мавзуида, балки ҳордиқ чиқаришга мўлжалланган «Хушнуд дамлар» мусиқали - бадиий дастурини тақдим этиш каби эзгу ишларда ҳам Ортиғали аканинг ўзига яраша ҳиссаси бор.

— Ўзбекистонда Сиз бормаган туман борми? — сўрайман у кишидан.

— Ҳужаликни сурай қолинг, — деб сўз қотди Ортиғали аканинг ҳамкасбларидан бири.

— Ҳамма жойда бўлганман, фақат хорижни кўриш насиб этмаган, — деб жавоб қилди Ортиғали ака. — Америкада деҳқончилик ундаю Голландияда чорвачилик бундай деб эшитамиз. Шу соҳа мутасаддилари бориб ўрганиб келишяпти. Бизга ўхшаган аграрчи-журналистлар ҳам улар қатори бориб келсак тарғиб қилишда қараб турмасдик...

— Эшиттиришларингиз жонли, ҳаётий чиқишида нималарга эътибор берасиз?

— Табиийликка. Овоз ёзиш пайтида суҳбатдошимга эътироз билдирмайман. Микрофонни кўрган баъзи деҳқонларнинг айтадиган гаплари ичидан чиқмай қолади. Боёвутдаги бир хўжаликда шундай ҳол бўлганди. Идорага борсак раис хонасида мажлис қилишаётган экан. Қабулхонадан секин микрофонни улаб қўйдик. Сўзга чиққанлар қуйиб-пишиб гапиришарди. Мажлисдан кейин ёзамиз десак, қани энди улардан гап чиқса. Ушанда сездирмай қилган ёзувимиз иш берганди.

Тўпланган тажрибалар зое кетмайди. Бугунги кунда ўзини Ортиғали акага шогирд санаган неча ўнлаб радио-журналистлар ижод гулшанида барқ уришмоқда. Улар сўзнинг қудратини, яратувчилик жарангини янгратишда устозларига тенглашиш учун интилмоқдалар.

Шуҳрат ЖАББОРОВ.

«НАВРЎЗ» ИШБИЛАРМОНЛАРИ

Шеробод туманидаги қоракўлчиликка ихтисослашган «Наврўз» ширкатлар уюшмасида тайёр маҳсулот ишлаб чиқара бошланди. Энди хом ашёни сувтекин сотишга чек қўйилди.

Қир-адирларда жойлашган мазкур шаркатлар уюшмасининг 15 минг қоракўл қўйи бор. Хўжаликларга иқтисодий эркинлик берилиб, маҳсулотларга давлат буюртмаси бекор қилингани айни муддао бўлди. Ўтган йили бу ерда терини қайта ишлаш цехи қурилди. Бошқа минтақалардан бўёқ келтирилди. Ҳозир уюшмада пўстин, қўлқоп, махси тикиляпти.

«Наврўз» ишбилармонлари кигиз тайёрлашни ҳам йўлга қўйди.

Чори ТЎХТАЕВ,
ЎзА мухбири.

Темурнома

УЛУС МЕҲРИ УЛУҒ ОБИДА

Улуғ фарзандларини эъзозлаган халқ буюк, Ватан эса обод бўлади. Юртбошимиз Тошкент шаҳрида соҳибқирон бобомиз ҳайкалини очилиш маросимида сўзлаган нутқида: «Бугун Шарқда тенги йўқ саркарда мустақиллик, истиқлол шарофати билан ўз ватанига қайтди», дея ифтихор туйган эдилар. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори ул зотга эл-юрт эҳтироми абадий эканлиги ифодаси бўлди. Амир Темур таваллудини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг аъзоси Шаҳрисабз шаҳар ҳокими Азим ЗАЙНИДДИНОВ бу хусусда мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Мана, бу нураб бораётган бинони қаранг. Бу кўҳна дунёда зиёратгоҳлар кўп. Аммо ҳеч бири бу маскан сингари кўп очилмаган сир-синоатларни ўзида жо айламаган. Оламнинг ярмини титратган буюк жаҳонгир бобомиз шу бир парча жой Шаҳрисабзга бир умр талпиниб яшагани сир эмас. Суюмли фарзанди Жаҳонгирга атаб тикланган қават-қават гумбазли маҳобатли мақбара фарзанд доғида куйган ота юрагининг катта парчаси... Айтишларича, соҳибқирон ўзини шу жойда дафн этишларини васият қилган ва умри эрта хазон бўлган фарзанди мақбарасининг пойида мўъжазгина сағана ҳам тайёрлатган экан. Тасодиф туфайли топилган, учтўрт метр ер остидаги бу хилхона бўм-бўш. Баъзи тахминларга кўра узоқ йўлдан соҳибқирон жасадини Шаҳрисабзга етказиб келишнинг иложи бўлмаган. Бибихоним эса унинг Самарқандда дафн этилишини истаган, деган бошқа гаплар ҳам бор. Ҳар не бўлмасин, улуғ зот руҳи шу мақбара, шу бир парча жой узра кезиб юрибди...

Дарҳақиқат, археологларнинг айтишича, бу жойда бобокалонимизнинг қариндошуруғлари дафн этилган экан. Сағаналарнинг бир қисми уйларнинг остида қолиб кетган. Биз ёрдамчи ишчи кучлар ажратяпмиз. Аммо қазишма ишлари секин олиб борилмоқда. Ҳукуматимизнинг қарорида обидаларни тезроқ таъмирлаш ва бошқа тадбирлар кўзда тутилган. Жаҳонгир мақбарасини таъмирлашдан ташқари, унинг олдидаги бу қабрлар кимларга тегишли эканлигини аниқлаш, уларни қайтадан тиклаш вазифаси ҳам турибди.

— **Бошқа обидаларни таъмирлаш ишлари қандай? Умуман, шаҳарни соҳибқирон тўйигача янада ободонлаштириш борасида қандай режалар тузилган?**

— Қарорда аҳолининг иштирокидан ҳам фойдаланиш уқтирилган. Шаҳрисабзликлар буюк бобокалонимиз таваллуд топган шаҳарни чин маънода яшил ва обод шаҳарга айлантиришга бел боғлаган. Номозгоҳ ва Хабарлик маҳаллаларида ибратли ишлар бошланиб кетди. Муртоза бобо Муродов, Алимардон бобо Жўраевлар тўйга атаб 200—250 сўмдан ўз улушларини қўшишди. Бундай саховатли кишилар кўп. Шу ўринда битта муаммони айтмасам бўлмас. Шаҳардаги кўп обидалар марказий кўча атрофида жойлашган. Кўча тор, қатнов тиғиз. Шунинг учун 8 километрлик айланма йўлни қуриш масаласи кўндаланг бўлиб турибди. Бу йўл қурилса, Шаҳрисабз ва Китоб тумани хўжаликлари корхоналарга ноз-неъматларни шу йўлдан етказиш имконига эга бўлишади. Ўзбекистон автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш Давлат концерни бу хайрли ишга ҳисса қўшса, айни муддао бўлурди.

Олдимизда катта ишлар турибди. Бунинг учун вақт ва маблағ керак, албатта. Улуғбек юбилейи муносабати билан соҳибқироннинг назари тушган Гумбази сайидон ва Шамсиддин кулол мақбаралари тўла таъмирланди. Кўкгумбаз жоме масжидини тиклаш анча олға силжиди. Энди масжиднинг ички безакларини тўла тиклаш, пешайвонларни қуриш ишлари қолган. Ўн еттинчи аср ёдгорлиги Чубин мадрасасини шу йилнинг охиригача тиклаш, бу жойда тарих, ўлкашунослик ва санъат музейларини ташкил этиш тараддуди кетмоқда. Кўплаб ноёб осори атиқалар ҳозир жой йўқлиги туфайли Кашшофлар уйида сақланмоқда. Яна бир гап. Олдинда турган катта ишларни бажаришда ўз имкониятларимизни қидириб топяпмиз. Таъмирлаш идораси ғишт ва кошин пиширадиган кичик хумдонни ишга туширди. Қадимгилар санъатини эгаллаган моҳир усталарни тайёрлашга катта эътибор беряпмиз. Ҳозир 45 нафар уста таъмирлаш ишларида иштирок этмоқда.

— **Оқсаройнинг тақдири не кечади?**

— Айрим олимларнинг фикрига кўра, Ҳиндистондаги машҳур Тож Маҳал ҳам кўркда Оқсарой билан тенглаша олмаган. Таассуфки, бу ёдгорликни тўла тиклашнинг иложи йўқ. Ҳозирча қаср деворларини нурашдан сақлаб қолиш, ҳовлисида қазишма ишлари олиб бориш кўзда тутилмоқда. Бу ишларнинг лойиҳасини Тошкентдаги ёдгорликларни илмий-текшириш ва таъмирлаш институти тайёрлаяпти. Бундан ташқари, шаҳарни ўраб турган тупроқ қалъанинг сақланиб қолган 650 метрини қайта тиклаш мўлжали бор. Ҳозирча 130 метр қалъа деворларини таъмирлаш лойиҳаси тайёр.

Юнус УЗОҚОВ суҳбатлашди.

НУКУС ЯНАДА ОБОДОНЛАШАДИ

Қорақалпоғистон пойтахтида «Нукусни ободонлаштириш» деб номланган хўжалик ҳисобидаги ихтисослаштирилган бошқарма тузилди. У шаҳарни ободонлаштириш ва таъмирлаш ишлари билан шуғулланади. Жорий йилда бошқарма ўндан зиёд хиёбон ва кўчаларни таъмирлашни, 20 километрдан ортиқ йўлни асфальтлаштиришни режалаштирмоқда.

МЕРСЕДЕС-ЧИЛАР БАЙРАМИ

Хоразм автомобиль ишлаб чиқариш бирлашмасида илк «Мерседес-Бенц» юк машинаси йиғилган куннинг бир йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди.

Германиянинг дунёга машҳур «Мерседес-Бенц» фирмаси билан ҳамкорликда барпо этилган корхонада ўтган вақт ичида 340 юк машинаси йиғилди. Ишлаб чиқариш технологиясини пухта ўзлаштирган маҳаллий кадрлар ҳозир кунига учтадан машина йиғишга муваффақ бўлмоқда. Айни пайтда юк машинаси тиркамасини ҳам шу ернинг ўзида йиғиш тадориги кўрилаётир. Бир қанча қўшимча цехларда зарур қишлоқ хўжалик ускуналари ишлаб чиқарилмоқда.

Тантанали йиғилишда сўзга чиққанлар республикамиз тарихидаги улкан воқеанинг аҳамияти, истиқлолимизни иқтисодий мустаҳкамлаш учун янада фидоийлик билан меҳнат қилиш зарурлиги тўғрисида гапирдилар.

Рўзимбой ҲАСАН,
ЎзА мухбири.

Шаҳарликлар дастурхонига қишда ҳам ёздагидек сархил сабзавот маҳсулотлари етказиб беришга ҳаракат қилаётган фидоий деҳқонларимизга балли. Наманган туманидаги «Соҳибкор» жамоа хўжалиги аъзолари ўтган йили 13 минг тоннага яқин сабзавот маҳсулотлари етиштирдилар.

Шунингдек дон, пилла, мева, узум ва бошқа маҳсулотлар салмоғи ҳам кўнгилдагидек бўлди.

Айни кунларда иссиқхонада меҳнат қилаётган заҳматкашлар шаҳар аҳолисига пешма-пеш янги маҳсулотларни жўнатиб туришибди. Ўтган йили тонналаб помидор, карам, лимон юборишган азаматлар бу йил ҳам саъй-ҳаракатни асло бўшаштиришмаяпти.

СУРАТДА: жамоа бошқаруви раисининг муовини Абдуллажон Ҳожихонов илғорлардан Мўътабархон Исоқова, Назирахон Маматова ва Назирахон Аҳмадалиевларнинг ғайратидан мамнун.

П. АКБАРОВ олган сурат.

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир

ҚОТИЛЛАР

Ҳикоят қилишларича, аввал қўёшнинг юзи оқ бўлган экан.

У замонлар ер юзида фақат яхшилик ва омонлик ҳукм сурган экан. Ерликларнинг аҳил-иноқлигини кўролмаган ўзга сайёраликлар одам қиёфасида ерга тушишибди-да, кишиларни бир-бирига ёмонлай кетишибди. Адоват кучайибди, чанг-тўзон кўтарилиб, қуёш юзини парда босибди. Ерга елкадош қуёш пардани йиртиб пастга боқибди. Не кўз билан кўрсинки, замин кишилари оламни жунбушга келтириб, қирғинбарот қилишаётганмиш... Бир одамни суйиб эркалайдиган, ёлғизгина ўғли отаси кўксига тиғ урганмиш. У яроқни суғурар экан, ота кўксидан отилган қон қуёш юзига сачрабди. Шу-шу қуёшнинг юзи ота қонидай қизил бўлиб қолганмиш...

... 1 май куни Сирдарёнинг Наманган туманидаги «Пахтаобод» жамоа хўжалиги ҳудудидан оқиб ўтган қисмида топилган мурда қуёшнигина эмас, кўҳна Сирдарёни ҳам ўртаб юборди. Мурданинг икки оёғи бош бармоқлари бир-бирига бириктириб боғланган. Лекин жасаднинг бош ва қорин қисмидаги тан жароҳатлари бу кимсани қийнаб ўлдирилганидан дарак берарди. Бўйнига тош боғлаб чўктирилган мурда сувда кўп турганлигидан афти таниб бўлмас даражада эди. Ёши 50—55 лар чамасидаги мурданинг шахси аниқланиши лозим эди.

Дараксиз йўқолганлар рўйхати бўйича текширилганда у 1939 йилда туғилган, чўжалик Н. исмли киши бўлиб чиқди. Бу шахс Норин туман ички ишлар бўлими томонидан қидирилаётган эди.

Жасад шахсини аниқлаш учун яқинлари чақирилганда, оиласи ва қизлари ҳам кўришни исташмади. Тергов ишлари шуни кўрсатдики, оилада бўладиган турли жанжаллар сабаб, аёлда турмуш ўртоғининг баҳридан ўтиш нияти пайдо бўлган...

Навбатдаги келишмовчиликдан сўнг хотин катта қизиникига аразлаб кетади. Қиз онанинг арз-додини эшитиб, отасини ўлдиришни маслаҳат солади. Уйига яширин ташриф буюрган тунги меҳмон — куёв қайнотани қийнаб ўлдиради ва дарров воқеа жойидан жўнаб қолади. Келишилгани бўйича эрта тонгда уйга келган хотин ва қиз жасадни эл уйғонмасдан кўздан йўқотиш ниятида сабзи ўрага ташлашади. Бу жойда жасад тўрт кун сақланади. Хотин эрини бедарак йўқолди, деб ички ишлар органига мурожаат қилади. Милиция ходимларининг суриштирувидан гумонсирашиб куёвга тунда жасадни йўқотиш кераклигини уқтиришади. Шундай қилиб, бир ёстиққа бош қўйган аёл узоқ йиллик турмуш ўртоғининг оёғидан тутиб, бир-бирига боғлайди. Фарзандим деб суйиб, эркалаб бошини силаган қўлларини қизи боғлаб, чўктириш учун оғир тош осади. Қутлуғ уй эшигини очган қайнотанинг қотилига айланган куёв сўнгги манзилга, сувга чўктиргани елкасида элтганди...

Ниҳоят, қотиллар фош этилди.

Х. ХОЛМИРЗАЕВ,
Наманган вилоят ИИБ матбуот маркази нозири.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

НАТО БОШ КОТИБИ ГЕРМАНИЯДА

Шимолий Атлантика иттифоқининг (НАТО) бош котиби Вилли Клас Бондда Германия канцлери Хельмут Коль билан учрашди. Учрашув чоғида НАТОни кенгайтириш масалалари, собиқ Югославиядаги вазият, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг фаолияти хусусида фикр юритилди.

ЮБИЛЕЙ НИШОНЛАНДИ

Ханойда Вьетнам коммунистик партиясининг (ВКП) ташкил этилганига 65 йил тўлиши муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда ВКП бош котиби До Миой сўзга чиқиб, ленинизм принципларига ва улкан назариётчи Хо Ши Мин мафкурасига қатъий амал қилаётган компартиянинг йўли ойдин эканлиги ҳақида гапирди.

СУЛҲ БУЗИЛДИ

Босния серблари ҳарбий қўмондонлигининг хабарига кўра, тўрт ой давомида ўқ узмаслик тўғрисидаги имзоланган сулҳ мусулмонлар томонидан қўпол равишда бузилган. Крупана-Ун районида мусулмон қўшинлари сербларга қарши ҳужум уюштириб, сезиларли талофат етказган.

ОЛИЙ МАҚОМДАГИ УЧРАШУВ

Қоҳирада Миср Президенти Ҳусни Муборак, Иордания қироли Ҳусайн Бен Талла, Исроил Бош вазири Исҳоқ Рабин ва Фаластин миллий маъмурияти раҳбари Ёсир Арофат иштирокидаги тўрт томонлама олий учрашув ниҳоясига етди. Томонлар Яқин Шарқ муаммосини бартараф этиш учун музокараларни давом эттиражакларини ва мақсадлари минтақада тинчлик ўрнатиш эканлигини билдирди. Учрашув ниҳоясида тўрт томонлама баёнот қабул қилинди.

ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

Юсиа ахборот маҳкамасининг хабар беришича, АҚШ билан Украина ўртасидаги авиақатнов 1 апрелдан бошлаб янада кенгаяди.

АҚШ авиакомпанияларининг самолётлари Киев, Одесса, Львов, Днепропетровск ва яна бир неча шаҳарларга қатнаши мумкин.

Ўз навбатида эса Украина авиакомпаниялари Нью-Йорк, Вашингтон, Чикаго, Лос-Анжелосдан ташқари яна уч шаҳар билан авиақатновни йўлга қўядилар.

ГРИПП ТАРҚАЛДИ

Россия Федерациясининг Амурбўйи худудида юқумли грипп касаллиги тарқалди. Эпидемия, айниқса, болаларга тез таъсир кўрсатмоқда. Бунинг оқибатида бир кун ичида 1430 киши, жумладан, 715 мактаб ўқувчиси тиббиёт муассасаларига мурожаат қилган, деб хабар беради Рата-ТАСС ахборот маҳкамаси. Аҳвол шу тариқа давом этса, мактаб ва болалар боғчаларини ёпиб қўйиш эҳтимоли йўқ эмас, дейилади хабарда.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Юсуф Ёқубовнинг шеърлари оддий шеърхонларга яхши таъсир қилгудек содда, равон ва мазмундордир.

Ерга эгилмаган кимсаларга мен,
Бир хитоб айлагим келади бот-бот.
Тангрининг олдида бандалари тенг,
Ҳеч кимнинг бошини силамас ҳаёт.

Шоирнинг мазкур тўртлигида инсон ўз яратувчисига эгилиш кераклиги, ҳаётда кеккаймаслиги, аксинча камтар, хокисор бўлишлиги таъкидланади. Бу тизимлар мураккаб ҳаётнинг содда тизмаларидир. Ҳаётда аксинча ҳам бўлиши мумкин: мураккаб ҳаётнинг мураккаб тасвири бўлиши мумкин. Бу шоирнинг руҳий тарҳимаи ҳолига боғлиқдир. Шоирга бу йўлда муваффақият ва матонат тилайман.

Йўлдош ЭШБЕК.

Юсуф ЁҚУБОВ

ТЎРТЛИКЛАР

***

Дунёни бошқарар тангрининг ўзи,
Эл-юртни бошқарар подшолар сўзи.
Хўш, инсонни нима бошқарар айтинг,
Агар юмуқ бўлса ақлнинг кўзи.

***

Талар мени жоҳил — итдан ҳам ёмон,
Беғубор кўнглимни ўртайди фиғон.
Эй худо, барчасин кўриб турибсан,
Сендан ҳеч бир нарса қолмайди пинҳон.

***

Дилинг қопламасин ғийбат тумани,
Ҳақиқат — қуёшни кўрмай қоласан.
Бирдек қора дейсан кўрдай ҳаммани,
Ўзингни билмасдан ўтга соласан.

***

Ўткинчи дунёга
шайдо бўлганлар
Дунёга ё эрта
ё кеч келганлар.

***

Бир жойга тўпланиб уч-тўртта нодон,
Менинг ҳаётимни таҳлил этишди.
Бири яхши деди, бириси ёмон,
Мингирлаб-мингирлаб тарқаб кетишди.

Шифокор огоҳлантиради

БОТУЛИЗМ БАЛОСИ

Инсон ҳаёти учун ўта хавфли ҳисобланган ва овқатдан заҳарланиш гуруҳига кирувчи касалликлардан бири ботулизмдир. Касаллик қўзғатувчиси кислород бўлмаган (анаэроб) шароитда кўпайиб, жуда кучли заҳар, (токсин) ишлаб чиқариш қобилиятига эга. Унинг 6 хил тури мавжуд. Хасталик келиб чиқиши учун қўзғатувчи бўлмиш микроб юқорида айтиб ўтилган заҳар тўпланиши билан озиқ-овқат, гўшт ва балиқ маҳсулотларида, айниқса консерваларда яхши кўпаяди. Бу касаллик тузланган ва дудланган балиқ, колбаса ва уй шароитида тайёрланган бошқа гўшт маҳсулотларини сабзавотли балиқ ва гўшт консерваларини истеъмол қилиш натижасида келиб чиқади. Кейинги йилларда нотўғри консерваланган қўзиқорин маҳсулотларини овқатга ишлатиш туфайли ботулизм касаллиги билан оғриш ҳоллари кўп қайд қилинмоқда. Айниқса у тупроқ шароитида узоқ сақланиш ва кўпайиш хусусиятига эга. Тупроқ орқали зарарланган силос ва бошқа ем-хашакни истеъмол қилган уй ҳайвонлари, жумладан отлар орасида касаллик кенг тарқалган.

Касаллик кучли бўлмаган бош оғриши, беҳоллик, баъзан тана ҳароратининг кўтарилиши билан бошланиши мумкин. Беморлар кўнгил айнишни сезишлари, қайт қилишлари ва уларда ич кетиш кузатилиши мумкин. Ич кетиши сўнгра қабзият билан алмашади. Ушбу аломатлар ўтиб кетгандан сўнг беморнинг умумий ҳолати яхшиланади, неврологик белгилар эса 1-2 кундан кейин сезилади. Беморнинг оғзи қурийди, кўриш қобилияти бузилади (кўз олдида «тўр» қоронғулик пайдо бўлиши, теварак-атрофдаги буюмлар ва предметларнинг иккиланиб кўриниши). Хасталик учун кўз қорачиғининг кенгайиши, қовоқларнинг пастга тушиб кетиши, овоз хириллаши ҳам характерлидир. У оғир кечган ҳолларда ютиш фаолияти ҳам бузилади ва бемор тўғри, етарли даражада овқатланиш имкониятидан маҳрум бўлади. Нафас олиш ва юрак уришининг бехосдан тўхтаб қолиши туфайли хасталик, расмий маълумотларга кўра, 30 фоизга яқин ҳолларда ўлим билан тугаши мумкин.

Демак, ботулизм касаллиги учун бир хил озиқ-овқат маҳсулотини истеъмол қилган кишиларнинг гуруҳ ҳолатидаги касалланиши характерлидир. Камдан-кам ҳолларда яра ботулизми учрайди. Касалликнинг бу турида қўзғатувчи организмга яра орқали тупроқ воситасида келиб тушади. Бу турнинг ҳам жуда оғир кечиши кузатилган.

Касалликнинг олдини олишда сабзавот, балиқ ва гўштли маҳсулотларни тўғри сақлаш ва ташишнинг аҳамияти катта. Айниқса бу маҳсулотларни консервалаш режимига алоҳида эътибор бериш лозим. Уларни овқатга ишлатишдан олдин текшириш ва отиб юбориш ҳолатидаги банкаларни ажратиб, ташлаб юбориш зарур. Уй шароитида ёпилган қўзиқоринли ва сабзавотли консервалари истеъмол қилишдан олдин 100 даражали ҳароратда ярим соат мобайнида иситиш зарур. Бемор билан бирга зарарланган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилган шахсларга профилактик мақсадда ботулизмга қарши зардоб юборилади ва улар 10 — 12 кун мобайнида тиббий назорат остида бўладилар. Овқат қолдиқлари, шубҳали маҳсулотлар эса бактериологик усул билан текширилади ва истеъмолдан олиниб, ташлаб юборилади.

Сирожиддин БОБОХЎЖАЕВ,
тиббиёт фанлари доктори.

Маданият янгиликлари

ТЕАТР ТОМОШАЛАРИ

Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов номидаги Қашқадарё вилоят мусиқали театр ижодий жамоаси Ғафур Ғулом қаламига мансуб «Шум бола» комедиясини намойиш эта бошлади. Қувноқ саргузаштлардан иборат мазкур томошани театр режиссёри Жаббор Тошев саҳнага олиб чиқди. Спектаклдаги асосий ролларни Ўзбекистон халқ артисти Омон Беганжиев, Алижон Жўраев, Э. Шодиев, С. Сатторов, А. Бобомуродова ва бошқалар ижро этмоқдалар.

xxx

Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят Ўзбек давлат мусиқали театри ижодкорлари шоир ва драматург Ҳайдар Муҳаммаднинг «Сеҳргар ва Айёр» деб номланган саргузаштлардан иборат эртак-спектакли билан жажжи театр мухлисларининг кўнглини шод этдилар. Асарни иқтидорли режиссёр Неъматжон Пардаев саҳналаштирган.

xxx

Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилоят мусиқали театри жамоаси Ҳабибулло Каримов қаламига мансуб ўзбек ва рус халқ эртаклари асосида яратилган «Олтин калитча» саргузашт асари билан ёш томошабинларни хушнуд этдилар.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.

«ЭКОСАН»НИНГ НУФУЗИ ОШМОҚДА

«Экосан» халқаро экология ва саломатлик жамғармаси Сурхондарё вилоят бўлими ҳудуди экологик ҳолатни яхшилаш ҳамда аҳолининг саломатлигини ҳимоя қилишга қаратилган тадбирларни ҳаётга тадбиқ этмоқда.

Жамғарма бўлимларига вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари яқиндан ёрдам бермоқда. Хусусан, дорихона, дўкон, фитобарлар очиш, ажратилган биноларни керакли жиҳозлар билан таъминлаш, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказиш учун 32 гектар ер ажратилди.

«Экосан» вилоят бўлимининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида вилоят ҳокими Жўра Норалиев иштирок этиб, жамғарма олдида турган муҳим вазифалар ҳақида гапирди. Шу йил февраль ва март ойларида вилоятда соғломлаштириш ва ободонлаштириш икки ойлигини ўтказишга қарор қилинди.

(ЎзА).

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ. Фарғона нон ишлаб чиқариш бирлашмаси мулкчиликнинг янги шакли бўлмиш ҳиссадорлик жамиятига айлантирилгандан сўнг уларнинг ишларида ижобий ўзгаришлар кўзга ташлана бошлади.

Жамоа мулкчиликнинг янги шаклига ўтгач, вафли тайёрловчи дастгоҳларни маҳаллий хомашё — сариёғ билан ишлашга мослаштирдилар. Натижа эса қувонарли — кунига 1 тоннага яқин вафлилар тайёрлашга эришилмоқда.

Суратда: кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехининг ишчиси Элмира Баратова иш устида.

Ш. ОЛИМОВ (Ўза) олган сурат.

Нашриёт тухфаси

ЖАҲОНГА ТАНИТУВЧИ КИТОБ

Ўрта аср қўлёзмаларини безашга хизмат қилган миниатюралар Шарқ мусулмон бадиий маданиятининг асир қилувчи жозибали кўринишларидан биридир. Улар бир қанча регионал мактабларда яратилган. Миниатюра мактабларидан бири Мовароуннаҳрда шаклланган эди. Бу мактабнинг марказлари Самарқанд, Бухоро, Шоҳрухия ҳисобланади. Бундай жажжи расмларнинг гўзал намуналари Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти фондида тўпланган. Ана шу мактаб фаолияти билан машҳур санъатшунос олима, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Галина Анатольевна Пугаченкова узоқ йиллардан бери самарали шуғулланиб келади. Олиманинг «XVI-XVIII асрларда Ўрта Осиё миниатюралари танланган намунада» номли китоби Қомуслар Бош таҳририяти томонидан рус ва инглиз тилларида алоҳида-алоҳида 10 минг нусхадан чоп этилди. Бу нашрлар юртимизда яратилган нодир санъат дурдоналарини жаҳонга танитиши билан бирга эрта-индин нишонланадиган Г. А. Пугаченкованинг 80 йиллик юбилейига муносиб тухфа ҳамдир.

Спорт

МАВСУМОЛДИ МАШҚЛАРИ

МОСКВАДА МДҲ чемпионлари кубоги учун ўтказилган анъанавий мусобақа якунланди.

Мазлумки, бу мусобақа чемпионларнинг янги мавсумга ҳозирлигини тобига етказишнинг ўзига хос босқичига айланмоқда. Мамлакатимиз футбол чемпиони «Нефтчи» жамоаси Осиё чемпионлари кубоги учун баҳсларда иштирок этиш билан банд бўлгани учун унинг ўрнига Бухоронинг «Нурафшон» футболчилари Москвага йўл олишган эди. Лекин бухороликлар биринчи ўйинда галаба қозониб, иккинчисида имкониятни бой беришди. Ярим финал учрашувлари эса «Шахтёр» ва Латвиянинг «Сконто» ҳамда Москва спартакчилари билан Тбилиси динамочилари ўртасида давом этди. «Спартак» «Динамо» (5:1) ўртасидаги ҳал қилувчи ўйин қизғин ва муросасиз баҳсга айланди.

ИККИ ГУРУҲГА БЎЛИНДИ

Мамлакатимиз миллий футбол чемпионатида иштирок этувчи биринчи лига жамоалари икки гуруҳга бўлинди.

Андижон, Хоразм, Самарқанд, Сурхондарё вилоятлари ҳамда Тошкент, Шаҳрихон шаҳар ҳокимликларининг илтимосига кўра 26 жамоа икки гуруҳга бўлиниб, голиблик учун курашадиган бўлди. Мақсад мухлислар даврасини кенгайтириш, футболни оммавийлаштириш, ўйинчилар маҳоратини оширишдан иборат. Биринчи гуруҳга «Гулистон», «Кушон» (Косонсой), «Олтинкўл», «Бағдод», «Кимёгар» (Чирчиқ), «Мебелчи» (Янгийўл), «Ғазалкент», «Бахт» (Тўрақўрғон), «Норин», (Ҳаққулобод), «Шаҳрихон», «Маданият» (Қибрай), «Чилонзор» (Тошкент), «Наврўз» (Наманган) жамоалари киритилди. Иккинчи гуруҳ эса «Тегирмончи» (Шўрчи), «Йигирувчи» (Жиззах), «Зарафшон», «Металлург» (Бекобод), «Локомотив» (Когон), «Насаф» (Қарши), «Орол» (Нукус), «Динамо» (Урганч), «Прогресс» (Зарафшон), «Ситора»(Бухоро), «Ҳисор» (Шаҳрисабз), «Булунғур», «Истиқлол» (Тошкент) жамоаларидан таркиб топди.

Ўзбекистон—Америка акционерлик жамияти «ХАБ—ФАРМА ЛИМИТЕД» қўшма корхонаси ТУГАТИЛДИ.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Телефонлар: 40-48-53, 40-44-83.

СУЛЛОН

(Ҳикоя)

Эрини кўндира олмаган Хумор ноилож рози бўлди.

— Эсон-омон қайтинг, дадаси. Шу бугун бормасангиз бўларди. Майли энди, фақат кўп ҳаялламанг. Хўпми?

Аёлининг ялиниб-ёлворишидан Жумақул таажжубланди.

— Сан, нима, мани уришга жўнатаётибсанми? Борманг дейсан, тез қайт дейсан.

— Тушумда...

— Йиғиштир ўша туш-пушингни. Ундан кўра дўконнинг у ёқ, бу ёғини супуриб қўй. Иложи бўлса намозшомни мўлжаллаб шўрва ос. Шопирлардиям тани[1]ни унутма.

Жумақул гапини тугатар-тугатмас Суллон унинг йўлига ётиб олди. У эгасига ёпишар, оёқларини ялаб-юлқарди. Итининг қилиғи шошиб турган Жумақулга ёқмади.

— Тур, жойингга бор. Тур дедим!

Жумақул дарвозадан чиқаркан нимадир сабаб бўлиб ортига бурилди. Айвонда қолган Хуморнинг билдириб-билдирмай йиғлаётганини сезди. Шу тобда Суллон бутун гузарни бошига кўтариб «ув» тортди.

— Нима бўлди буларга. Жинни-пинни эмасми?

Ҳар хил ўй-хаёллар гирдобида Жумақул мудир матлубот жамиятининг омборига кирди. Машинани тўлдириб қанд-қурс юклади. Кийим-бош, озиқ-овқат олди. Қош қораяр-қораймас йўлга чиқдилар...

Эшик-ҳовлини супириб-сидирган Хумор пода келар маҳал ўчоққа қозонни илди. Тунов кун сўйилган қўй гўштидан шўрва солди.

— Дадаси мол тўшини ёқтиради. Унданам бир бўлак қўшай. Тағин кўнгилларига келмасин.

У хаёлига келганини қилгач кўнгли таскин топди. Подадан қайтган сигирни соғиб, сутини кадига қуйди. Сўнг меҳмонхонага дастурхон ёзиб ул-булларни қўйди.

— Бир пас ҳамсояникига чиқа қолай. Келгунича нимаям қилардим уйда.

Хумор энди остона ҳатлаган эдиямки отнинг кишнагани эшитилди. Бирдан юраги «шув» этди. Миясига турли фикрлар урилди. Бир бало қилиб чалғигани—туши кўз олдига келди.

«Тепаликдан тушиб келган оқ от боғда сайр қилиб юрган эрхотиннинг ёнига тўхтабди.

— Миниб сайр қиламизми?—сўрармиш Жумақул аёлидан.

— Эгар-жабдуғи бўлмагач қандай бўларкан?! Яхшиси, юринг пиёда айланамиз...

Хуморнинг гапи тугар-тугамас оқ от ёли билан Жумақулни устига миндирибди. У қанча бор уринмасин туширмасмиш. Хуморнинг бақирганлари фойдасиз эмиш. Зум ўтмай от ҳам, Жумақул ҳам юлдузлар ичига сингиб кетганмиш».

— Улар юлдузлар томон кетишган бўлса, эринг юқорига кўтариларми дейман, балам.

— Тўғри айтасиз. —Қўшни кампирнинг айтганини тасдиқлади Хумор. — Сал олдинроқ у кишини ревизорликка чақиришаётган эди.

— Ана, айтдим-ку, санга. Эринг катта бўлади деб.

Кампирнинг далдасидан Хумор тинчиди. Қош қорайгунча ўтган-кетгандан суҳбатлашдилар.

— Энди борақолай, холажон. Ҳали-замон ҳамсоянгиз ҳам келиб қоларлар. Юринг, шўрва осиб қўйгандим...

— Умрларингдан барака тоғ пийла, балам. Насиб этган бўса ўтаман.

Қоронғулик қуюқлашган сари Хуморнинг юраги сиқилаверди. Ташқарига чиқди, уйга кирди. Узоқдан ёруғлик кўринса, эри дўконга юк олиб келаётгандек тўюлаверди. Кўнглига чироқ ёнса ёримайдиган бўлиб турибди-ю, Суллон этагини тортқилайди. «Ув» тортиб ғиншийди.

— Сан бир балони бошламасанг ғурғайди, Суллон. Ҳеч бундай безовта бўлмасдинг. Ишқилиб яхшиликка бўлсин-да.

Хумор итни эркалади. Ялоғига дош солди. Суллон томоман бошқача эди. Дошга оғзиниям урмади. Ҳеч кутилмаганда ҳовлини учтўрт бор айланди. Кейин югуриб дарвозадан чиқди. У ҳурдими, улидими билмади. Аммо зум ўтмай қишлоқдан ғойиб бўлди.

...Тонг кимларгадир шуқуҳ, кимларгадир ғусса юклаб отди. Тун бўйи ухламаган Хумор чинқириб уйғонди. Бечоранинг бағрини тимдалаб кетди бу нохуш хабар.

— Ўлай ман, юбормасам бўларди-ку!..

У сочини юлди, юзини тимдалади.

Бўлар иш бўлган эди. Яқинлари машина тўқнашувидан ҳалок бўлган Жумақулнинг жасадини келтиргани бораётиб, воқеа жойига ўтдилар. Ўша ерда тиллар соқов, кўзлар сўқир бўлиб қолди. Суллон эгасининг қони тўкилган асфальт устига бош қўйганча йиғлаб ётарди!

Итни кўриб кетувчилар кўпайди. Аммо Суллон парво қилмас, ҳар замон ҳазин «ув» тортарди. Қондан қорайиб қолган бир парча жойга бош қўйиб ғиншиши унча-мунча юракни эзиб юборарди.

— Қони, балаларим, мани ўтказиб юборийла-чи.

Оппоқ соқолли қарияга йиғилганлар йўл очишди. Қария марҳум ҳақига Қуръон тиловат қилди. Кейин итни авайлаб силаб-сийпади.

— Фақат тилинг йўқ сани, фақат тилинг йўқ...

Қария лабларини учириб Суллонни ҳозиргина келтирган—тахта «уйчага» элтиб ётқизди. Олдига овқат қўйди. Аммо Суллон уйчадан чиқиб, яна илгариги жойга борди. Қорайган асфальтни ҳидлади. Унга кўксини босди. Бемажол кўзларини ён-веридагиларга тикди.

Кузнинг изғирини эт-этга сончилади. Тинимсиз ёмғир. Суллонга ичи ачиган йўловчилар томчани итнинг устига ўрнатиб қўйдилар.

Орадан қирқ кун ўтди. Эгасининг шаҳид жойини макон этган Суллон озиб тўзиб кетган. На гўшт, на нон, на сувдан тотинмайди. Жойи ҳам ўша, ўша. Ўтган ҳам, қайтган ҳам унга ҳамдард. Кўрганлар бир зум ғамга ботади. Раҳми келади. Кимдир пўстин ёпти устига, кимдир остига шолча ташлади. Суллон эса тунни-тонгга улаб, эгаси дардида куярди.

Куннинг кетини тун қувди. Оппоқ қорга беланди борлиқ. Вақти-вақти билан бўрон кўтарилар, совуқ ич-этни тимдаларди. Суллон шундаям қон тўкилган ердан жилмади. Ётаверди.

Бир куни гап тарқалди...

— Ит жойидан кетиб қолибди!

Бу шов-шув элга тез ёйилди. Биров у деди, биров бу. Ҳамма ўзича фол очади.

— Жониворнинг мотамиям шу-да. Инсон чидолмайди бунга. Қирқ кун бағрини асфальтга бериб ётди. Емади, ичмади. Йиғлай-йиғлай кўзи сўқир бўлди. Очликдан силласи қуриган, совуқ жонига теккан ит ётармиди. Кетган-да...

Одамлар ичидаги узуқ-юлуқ гаплар турли-турли миш-мишларга айланди.

Ҳақиқатни эса раҳматли Жумақулнинг уч оға-иниси кўрди. Жигаргўшаларининг қабрини зиёрат қилгани келган ака-укалар баттар эзилишди. Суллон Жумақул қабрининг оёқ томонига бош қўйганча ўлиб ётарди...

Қурбон АЛИ.

1. Тани--ҳақи. (шева).

Жамғарма Банки

ДИҚҚАТ ЯНГИЛИК!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМҒАРМА БАНКИ ТОМОНИДАН "КАПИТАЛ" ВА "КАПИТАЛ-ЛЮКС" ОМОНАТЛАРИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

"Капитал" ва "Капитал-Люкс" омонатлари бўйича даромад ҳар ойда 9% дан тўланади ва бу фоизлардан Сиз тўлиқ ёки қисман олиб фойдаланишингиз мумкин. Бундан ташқари бу омонатларни пул ўтказиш йўли билан ҳам очишингиз мумкин.

"Капитал" омонати 1 йил муддатга очилади ва энг кам миқдори 1000 сўм. Бу омонат бўйича фоизларни 1 йил давомида олиб ишлатмасангиз Сиз 180% дан юқори даромад оласиз.

"Капитал-Люкс" омонати 6 ой муддатга очилади ва энг кам миқдори 3000 сўм. Бу омонат бўйича Сиз жорий ой учун фоизларни олдиндан олиб фойдаланишингиз ва истаган миқдорингиздаги қўшимча пулни қўйишингиз мумкин.

Тўлиқ маълумотларни Жамғарма банкининг исталган муассасасидан ёки қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин:
45-66-43, 33-51-95.

"КАПИТАЛ" ВА "КАПИТАЛ-ЛЮКС"
ОМОНАТЛАРИ-БУ СИЗНИНГ ДАРОМАДИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМҒАРМА БАНКИ

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар ва Бектемир туман кенгашлари Бектемир туман партия кенгашининг биринчи котиби Р. Т. Маматқуловага отаси
Темурбой МАМАТҚУЛОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ(масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими - 33-76-04, 32-54-06.
Қабулхона -- 33-65-45, 32-55-15.

Реклама ва эълонлар бўлими тел: 33-38-55, 32-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Жиззахда -- 3-31-86; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Бухорода -- 3-54-87; Навоийда -- 3-74-76; Қаршида -- 3-25-79; Урганчда -- 6-51-35; Гулистонда -- 2-26-22; Наманганда --6-43-43; Қумқўрғонда -- 5-26-24; Фарғонада -- 26-37-16.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Г -- 0051, 43324 нусхада босилди.

Навбатчи муҳаррир Қ. ЭШМАТОВ, навбатчи Р. ШОДИЕВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. *Босишга топшириш вақти -- 21.00. топширилди 22.30* 1 2 3 4 5 6.